



HURRIYAT

O'zingni angla!

Mustaqil gazeta

2018-yil 25-aprel, chorshanba

№ 18 (1080)

1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

ХАЛОЛ МЕХНАТ ҚИЛИБ, ФАРОВОН ЯШАНГ

— Бугун томорқачиликни қўллаб-қувватлаш учун солиқ имтиёзлари берилиши катта имконият, — дейди маҳалла фаолларидан бири Шавкат Курбонов. — Бир ўйлаб кўринг, ерингиздан унумли фойдаланиб, миллионлаб даромад қиялмасиз.



КОФЕ ЮРАК УЧУН ФОЙДАМИ, ЗАРАР?

Кофени кўп истеъмол қилиш юракка зарар, деган гапни кўпчилик эшитган. Австралиялик олимлар бунинг аксини исботлашди. Бейкер институти вакиллариининг гапига қараганда кофе аритмияни пасайтиради.



НАФИС НОМЛАР ОРТИДАГИ ЖАХАННАМ

Бир ҳолат кишини таажжубга солади. Таркибида психотроп моддалар бор, фақат врачларнинг рухсати билан фойдаланиш мумкин бўлган бу каби таблеткалар савдоси йўлга қўйилганидан нахотки тегишли мутасаддиларнинг хабари бўлмасал?



ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоб тизими-ни такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни камайтириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони матбуотда чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 апрель куни Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Кан Гён Хва хонимни қабул қилди.

19 апрель куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда чоп этилди.

21 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов 23 апрель куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

БОҚИЙ РИШТАЛАР



ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАХКАМ ВА АБАДИЙ БЎЛСИН!

Ўзбек ва туркман халқлари азалдан ёнма-ён, аҳил ва тотув яшаб, дўстликни улуғлаб келмоқда. Бу эса халқларимиз бир дарёдан сув ичган, тарихий илдизлари туташиб кетган бугунги икки мамлакат — Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик муносабатларини янада мустахкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Утган йил 6-7 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг таклифига биноан ушбу мамлакатда давлат ташрифи билан бўлган эди. Таш-

риф асносида савдо, иқтисодий, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мустахкамлаш бўйича қатор ҳужжатлар имзоланган эди.

Шу асосдаги амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, Хоразм вилояти делегацияси Туркменистоннинг Тошхонвуз вилоятида бўлди. Тошхонвуз вилояти вакиллари-

нинг Хоразмга ташрифи халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустахкамланиб бораётганидан далолатдир.

Хоразм вилоятида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилатгани самарасида шаҳару қишлоқлар кундан-кун чирой очиб, замонавий кифа касб этаётир.



СПОРТ

Полвонлар Шахрисабзда

Ўзбек халқи азалдан ўзининг енгилмас полвонларини, аллқелбат ўғлонлари билан тилларда дoston бўлган. Қадим тарихга эга кураш санъати ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келади.

Айтиш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил 2 октябрдаги "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори миллий курашимизни мамлакатимиз ва халқаро миқёсда янада ривожлантириш ва оммалаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Куни кеча Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳрида Ўзбекистон Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган VII кураш халқаро турнири ҳам миллий меросимизни асраб-авайлаш, барҳаёт анъаналаримизни давом эттиришга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, мамлакатимиз кураш федерацияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Кураш халқаро ассоциацияси ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган нуфузли турнирнинг умумий соврин жамғармаси 50 минг АҚШ долларини ташкил этади. Мутлақ вази тоифасида голиб бўлган полвон Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини — 10 минг АҚШ долларини билан мукофотлашни белгилаб қўйилди.



ПИЛЛА КЛАСТЕР УСУЛИДА ЕТИШТИРИЛАДИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Мамлакатимизда жорий йилда ипак куртини уч марта парваришлаш белгиланган. Айни пайтда дастлабки — баҳорги мавсум бошланди. Иккинчиси май, учинчиси эса август ойларига мўлжалланмоқда.

Навоий вилоятида ҳам 550 минг туپ тут кўчати ўтказилиб, мавжуд тутзорлар 50 гектардан ортиқ майдонга кенгайтирилди. Вилоят пиллакорлари жорий йилда 14 минг 700 қути уруғ парваришлаб, 800 тонна хом ашё етиштиришни режалаштирган.

Хатирчи тумани пиллакорлари ҳар йили нафақат вилот, балки мамлакатимизда ҳам илгорлар сафида тилга олинади. Хусусан, ўтган йили улар зиммаларига олган шартнома режасини билинчилар қаторида ортиги билан адо этди. Айниқса, "Сулаймон Саидали", "Ақбарали Исом даласи", "Отабек нури келажиги" каби фермер ва деҳқон хўжаликлари мўл ҳосил етиштирди. Туман пиллакорлари

жорий йилда 248 тонна пилла топиштириш ҳаракатида. Бунинг учун хозирдан барча зарур юмушлар бажарилиб, 2 минг 314 нафар қурт боқувчи ва фермер ҳамда 305 нафар касаначи билан шартнома тузилди. Хитойдан 4 минг 567 қути уруғ келтирилиб, тарқатишга тайёр қилиб қўйилди.

Жорий йилда пилла кластер усулида етиштирилади. Туманда бу борадаги ишларни ҳамда пилла етиштирувчиларга хизмат кўрсатишни хом ашё қабул қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган "Хатирчи пилла хазинаси" хусусий корхонаси ўз зиммасига олган. Топиштирилган жами маҳсулот ушбу ташкилотга қарашли йигирув цехида қайта ишланиб, харидорларга тайёр ҳолда етказиб бери-



лади. Ўтган йили туманда 306 тонна пилла йигирилиб, Хитой ва Вьетнам давлатларига сотилди. Экспорт ҳажми 1 миллион 48 минг 500 долларни ташкил этди.

— Пилла парвариши ўта нозик, шунинг учун унга жуда эътиборли бўлиш лозим, — дейди корхона агрономи М.Абдурахимов. — Бунда пиллакорларга ёрдам берадиган мутахассислар белгиланган. Улар хонадонларда боқилаётган қурт парваришини мунтазам равишда назорат қилиб боради.

Корхонада айни кунда 35 нафар ходим доимий иш билан банд. Мавсум даврида эса ёлланма ишчилар ва пилла етиштирувчилар ҳисобига улар сон 100 нафаргача етади.

Н.РАХИМОВ,
ЎЗА мухбири

Газета
ўқимаган
узокни
кўра
олмайди!

Ўқинг, баҳра олинг ва
уни дўстларингизга ҳам
ҳадя этинг.
"Hurriyat" да
чоғ этилган
материаллар билан
www.hurriyat.uz сайти
орқали ҳам
танишингиз мумкин.



"HURRIYAT"
ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ
ДОИМИЙ
ХАМРОҲИНГИЗ
БЎЛИШИГА
ИШОНАМИЗ!

Манас Янги ОРЗУЛАР ОҒУШИДА



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ



Мирзачўлнинг қоқ ўртасида 1966 йил тамал тоши қўйилган овулни дастлаб Комсомол бўлган. Кейинчалик овул кексаларининг "бу ном ҳеч нарсани англатмайди, овулимиз элга дoston бўлсин" деган эзгу ниятда билдирган таклифлари инobatга олиниб, у — Манас деб ўзгартирилган. Манас худди бизнинг Алпомиш, Гўрўғли каби қирғиз элининг машҳур қаҳрамони эканлиги-

ни ҳамма билади. Буни қарангки, Жиззах вилояти Дўстлик туманида жойлашган, узок йиллар эътибордан четда қолган Манас замонанинг зайли билан доврўғи етти иқлимга таралди. Қишлоқ худди эртақлардаги каби кўз очиб юмгунча кўрганнинг кўзини қувнатадиган ажойиб шаҳарчага айланди.



Манас

Янги орзулар оғушида

Бошларини
1-бетга

А овруғи дoston бўлган Манасни ўз кўзим билан кўриш иштиёқида қилган ижодий сафарим кизинин ўй-хаёллар билан бошланди. Манасга олиб борадиган йўлга янги асфальт ётқизилибди: текис, раво. Одам руҳига кўтаринкилик бағишловчи ҳикматлар, ширлар битилган паннолар янги йўлга узукка кўз қўйгандек ярашибди. Аллақачон чигит қадалган текис далаларнинг ҳам таровати ўзгача.

Манас кишлок фукарлар йиғинининг идораси кишлокнинг қираверишида жойлашган экан.

— Раисимиз зарур юмуш билан ҳокимиятга кетган эди. Тез орада келиб қолади, — деди идора котиби Дилшод Маматкулов салом-алиқдан сўнг. — Ўзим вақтида келдигиз. Ҳозир ҳамкасбларингиз, республика, вилоят телевидение ва радиосидан келган мухбирлар раисни кутиб “Нуронийлар” чойхонасида тўпланиб туришибди. Улар билан бирга юриб, ўзингизни қизиқтирган ҳамма маълумотларни олишингиз мумкин.

— Манасда бажарилган ишлар тўғрисидаги факт ва рақамлар телевизорда айтилган, газеталарда ёзилган. Мен эркин юриб одамлар билан гаплашиб, уларнинг бутунги кундаги ороу-ниятлари билан танишсам. Янги очилган корхоналарга бориб, иш жараёни кўриб, мақола ёзсам деган эдим.

— Жуда яхши, унда сизга яраштириш комиссияси ва нуронийлар гуруҳининг раҳбари Беркенбой ака Мавлонов ҳамроҳ бўлади, — деди котиб ёнида ўтирган кишини кўрсатиб.

Мен унинг керак бўлиб қолар, деб узатган “Манас” ҚФЙ тўғрисидаги маълумотномага асил-тапил кўз югуртирдим:

“Манас 6310 гектардан иборат. Кишлоқ фукарлар йиғинидаги 1058 та хонадонда 1358 та оила, 5881 нафар фукарлар истиқомат қилади. Уларнинг 3029 нафари эркаклар, 2852 нафари хотин-қизлар. Аҳолининг 5168 нафари киргиз, 661 нафари ўзбек. Тожики, татар, рус, қозок миллатига мансуб фукарлар ҳам бор...”

Ҳамроҳим Беркенбой аканинг широна хис-туйғуларга бойлиги, жўшқинлиги кишлок фукарлар йиғини идорасидан чиқмасимизданоқ сезилди.

— Манасга илгари келган-мисиз? — деб сўради ҳамроҳим ва йўқ деганини эшитиб афсуслангандай бўлади. — Эҳ, келмаган экансиз-да. Келган бўлганингизда 45 кунда қанчалик катта ишлар бажарилганини дарров пайкаган бўлардингиз. Худди мўъжиза содир бўлгандай хароба кишлок росмана шаҳарчага айланди.

Атрофни кузатаман. Ҳамроҳимнинг ҳаяжонланганича бор. Катта йўлнинг икки четига ям-яшил арчалар экилибди. Арчалар ёнида анвойи гуллар чаман-чаман очилиб турибди. Эгнига бир хилдаги иш формасини кийиб олган аёллар арча ва гулзорларнинг тагини юмшатишу суюриш, ўнгитлаш билан банд. Этиборли жиҳат, барча аёлларнинг юзида табассум, ўз ишларидан мамнун.

Ва беҳтиёр Ўзбекистон Аxbорот агентлигининг расмий хабари ёдимга тушади: “Обод кишлок дастури асосида бу ерда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа муддатда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Дастур доирасида сизот сувлари сатҳи кўтарилишини бартараф этиш учун 41 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқ-

лари тозаланди. Икки қаватли 34 та уйнинг томи қайта ёпилди. Уй-жойлар атрофидаги режасиз қурилишлар ўрнида янгидан ёрдамчи бинолар, тандирхоналар қурилди. Мева ва 10 минг тулдан зиёд манзарали қўчатлар ўтказилди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Сувоқава” давлат унитар корхонаси жамоаси томонидан 6,5 километрлик сув қувури ётқизилди. Сув тарқатиш иншоотлари таъмирдан чиқарилди. 2 та умумтаълим мактаби таъмирланиб, қайта жиҳозланди. 17 та болалар майдончаси, 2 та минн футбол майдони, 250 ўринли стадион барпо этилди...”

Йўл-йўлакка хар томонга разм солиб бораман. Атрофи ўралган кўрк, барча қулайликларга эга ўйингоҳда болалар мириқиб ўйнашмоқда. Ўйингоҳнинг қираверишига ўрнатилган ўриндикда уч-тўрт онахон болаларни кузатиб, гурунглашиб ўтирибди. Берикбой ака мени ўша онахонларнинг олдига бошлади.

— Манас, бу шеригим муҳбир. Газетадан келган, — деди ҳамроҳим мени уларга таништириб. — Манасдаги ўзгаришлардан гапиринглар. Кўнглиларнинг тўлмаган жойи бўлса айтинглар.

— Нимага кўнглимиз тўлмаган жойи бўларкан. Жуда хурсандимиз, — дея гап бошлади соҳларига оқ оралаган онахон. — Илгари бу жойлар қанақа эди? Мана шунча ўзгаришларни кўриб, хурсанд бўлиб юрибмиз. Президентимизга мингминг раҳмат. Халқнинг дуосини олиб, узок-узок йиллар эли-изига бош бўлиб юрсин.

— Илгари мана шу болалар ўйнаётган жойда кўп қаватли уйда яшовчи одамларнинг қатор қилиб қурилган молхонаси, тандирхонаси бор эди, — дейди иккинчи онахон сўхбатга қўшилиб. — Атрофни хуноқ қилишдан ташқари, хавони бузиб турарди. Бари бузилиб, болалар ўйнайдиган чиройли жойга айлантирилди. Уларни маза қилиб ўйнаётганига қаранг.

— Моллар нима бўлди? — Молу қўйларимиз учун алоҳида ферма қурилди. Боқиб учун ҳамма шароитлар яратилди. Ишқилиб хурсандимиз.

Онахонлар билан хайрлашиб, ўйингоҳ яқинида янги барпо қилинган кўрк бинога, аниқроғи, “Холбуви-Сафаргул локс” оилавий тикувчилик корхонасига кириб бордик.

Корхонани ахил опа-сингиллар ташкил қилиб, 16 нафар дугоналари билан иш бошлабди. Цехга 20 га яқин Японияда ишлаб чиқарилган тикув машиналари ўрнатилибди.

— Асосан ёшлар экан, буларнинг малакасини ошириш қийин бўлмайтими? — сўрайман Берикбой акадан.

— Йўқ. Шартнома асосида икки ойлик ўқув курслари ташкил қилинган. Ўқитган кизларимиз 172 000 сўйдан стипендия олишади. Ҳозирги

кунда оилавий тикувчилик корхонасида кийим-кечак, болалар спорт кийимларини тикитиш йўлга қўйган опа-сингилларнинг режалари катта. Улар яқин ойлар ичида ишчилар ўрнини 50 тага етказишни ният қилган, — дейди ҳамроҳим.

“Холбуви-Сафаргул локс” оилавий тикувчилик корхонаси ёнида Шахноза Шодмонова раҳбарлик қилаётган “Манас чеварлари” масулияти чекланган жамият жойлашган экан.

— Бизнинг корхонамиз аъзолари ҳам манаслик хотин-қизлар, — дея гап бошлади Шахнозахон корхонанинг фойдаланиш ҳақида сўраганимизда.

— Корхонамиз 8 мартда ишга тушди. 100 нафардан ортиқ чеварларни ишга қабул қилдик. Бошловчи чеварларимиз учун Пахтакор туманидан мутахассисларни таклиф қилиб, бир ойлик ўқув курси ташкил қилдик. Кизларимизнинг қўли келишиб қолди. Ҳозирча буюртма асосида фартук тикияпти. Яқин кунларда кийим-кечак тикишни бошлаймиз.

“Манас чеварлари” корхонасидан чиқаётганимизда Берикбой акага: “Энди “Айчүрек” мактабгача таълим муассасасига борасан”, деб таклиф қилди. Сабаби бу муассаса ҳақида кўп эшитдим, ўз кўзим билан кўриб, болажонларга яратилган шароитлар билан танишим келди.

Муассаса жамоаси бизни хурсандчилик билан қарши олди. Бу маскан Жанубий Корея стандарти асосида барпо этилиб, жиҳозланган. Энг муҳими, болаларнинг илғор хорижий тажрибалар асосида дастлабки билим ва қўнималарини шакллантириш учун барча қулайликлар яратилибди.

— Икки йилдан буён шу муассасага раҳбарлик қиламан, — дейди Луиза Маматова. — Бор-э, деб ишдан кетмоқчи бўлган пайтларим ҳам бўлган. Шароитимиз жуда оғир эди. Бошқа болаларда болалар учун хилма-хил овқатлар тайёрланаётганини кўриб, хавасим келарди. Бизнинг “Айчүрек” да ҳали-бери бунақа бўлмаса керак, деб ўйлардим. Ахир ташқарида битта қозон-ўчоқда қандай қилиб хилма-хил овқат тайёрлаш мумкин. Буям майли, хоналардаги шароитлар ҳам мутлақо талабга жавоб бермасди. Хатто болаларнинг қўл ювиши учун ҳам қозонда сув иситишимизга тўғри келарди. Айниқса, қиш кунлари қора қўмирга ботиб, хоналарни иситиш билан овора бўлардик. Шароит шундай бўлгач, тарбия ҳақида нима дейиш мумкин? Шу кунларда бир пайтлар қизик устида кетиб қолганимга шукр қиларман. Қаранг, муассасамизда

қанча ўзгариш бўлди. Дарвозадан кирганингиздаёқ, болалар учун яратилган шароитларни кўриб кўзингиз қувнайдми. Ичкарига кирсангиз, мўъжизалар дунёсига тушиб қолгандек бўласиз. Шунинг учун Президентимиз боғчамизга ташир буюрганида, қувончимни яширолмай жамоамиз номидан қайта-қайта раҳмат айтиб, қилинган раҳмат қилдик. Қувончли раҳмат қилдик. Биз, албатта, берилган ваъданинг устидан чиқамиз.

— Кишлоғимиздаги врачлик пункти ҳам “Обод кишлок” дастурига киритилган объектлардан бири, — дея сўз бошлади Берикбой ака “Айчүрек”дан катта таассуротлар билан чиқарганимиз. — Бу муассаса қайта реконструкция қилиниб, унинг ўрнига 500 катновга мўлжалланган оилавий поликлиника ташкил этилди. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Поликлиникага келиб, ҳамроҳим ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда яратилган шароит ва қулайликлар пойтахтдаги айрим оилавий поликлиникалардан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас.

— Давлатимиз раҳбари поликлиникамизга ташир буюриб, шарт-шароитларимиз билан танишгач, бизга зарур кўрсатма ва топшириқлар берди. Бугунги кунда бутун саёй-ҳаракатларимиз ана шу топшириқ ва кўрсатмаларни бажаришга қаратилган, — дейди муассаса бош шифоко-ри Бувихалима Жулматова.

Кишлоққа ўзгача кўрк ва салобат бахш этиб турган Манас маданият саройига ҳам жамоа аъзоларининг янги иш режаларини кизин муҳокама қилиб турганларида кириб бордик.

— Ороу ниятларимиз катта, — дейди маданият саройининг бадий раҳбари Абдуво-си Зоитов. — Лекин энг муҳим ишларимиздан бири — бир пайтлар жуда машхур бўлган, Ўрта Осиёнинг ҳамма давлатларида ўз репертуарларини намойиш қилиб, ном чиқарган “Маржон” ансамблини қайтадан тикламоқчимиз. Чунки етарлича рағбат ва этибор бўлмаганлиги учун бу ансамбль жамоаси тарқалиб кетган эди. Мана энди шароитларимиз етарли. Албатта, ансамблимизни тиклаб, халқимизни яхши кунларида хизмат қиламиз.

Дарҳақиқат, бугун Манасга борган киши кишлок аҳолисининг кўтаринки руҳда, эзгу ниятлар билан яшаётганлигига, юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилаётганлигига гувоҳ бўлади.

Манасдан қайтар эканман, катта йўл бўйидаги паннода давлатимиз раҳбарининг “Халқ биздан рози бўлса, яратган ҳам рози бўлади” деган сўзларига кўзим тушди. Ана шу покиза ният ижобат бўлаётгани учун мамлакатимиз миқёсида режалаштирилган улкан ишлар бароридан келаётган бўлса ажаб эмас.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ,
“Hurriyat” мухбири

► ЯХШИЛАР ИБРАТИ

Бугун касб-коридан ортиб, бирим икки бўлсин, дея қўшимча даромад топишни ўйлаб юрганлар кўп. Бу йўлда кимдир ўзини савдога урса, яна биров деҳқончиликка, боғ-роғлар яратишга интиломда. Хатто мўъжазгина ҳовлисидан миллионлаб қўшимча даромад олаётганлар ҳам оз эмас.

Ҳалол меҳнат қилиб, фаровон яшанг

А рҳақиқат, бугун юртимиздаги деҳқону миришкорларга ўзлари етиштирган маҳсулотларни бемалол хорижга олиб чиқиш имконияти яратилди. Шу боисдан деҳқончиликка, ерга муносабат кун сайин ўзгариб, кўпчилик бир парча ердан унумли фойдаланиш пайида бўлмоқда. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек, айримлар ўз томорқасига этиборсизлик билан, ерни қаровсиз ташлаб қўётгани ҳам бор гап. Тупроғи саховатли, чўп қадасанг ҳам униб чиқадиган юртда бу бизга ярашармикан, деган савол туғилади кишида.

Томорқадан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида жорий йил 18 мартда Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги ҳужум тасдиқланди. Унга кўра, туман ҳокимининг қарорига мувофиқ, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлиқлари, профилатика инспектори, туман қасаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмитаси, туман бандликка қўмақлаштириш маркази, Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фойдалиниш мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши, давлат солиқ инспекцияси ва бошқа маънафатдор ташкилотлар вакилларида иборат махсус ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Аини кунда улар ҳудудларда тегишли ўрғанишлар, тушуни-тириш ишларини олиб боришмоқда.

Бугун маҳалла оралаб аҳоли томорқасини кузатаркансиз, уларнинг ерга муносабатидан қимлигини аниглаш мумкин. Дангаса ё меҳнаткаш, тадбирли ёки ўқувсиз дегандек. Бу ҳақда Самарқанд вилояти Оқдарё “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлини раиси Насриддин Тоғаев шундай дейди:

— Вазирлар Маҳкамасининг 18 мартдаги қарори асосида туманда тузилган ишчи гуруҳи томонидан Мустақиллик, Лош, Амир Темур маҳаллаларидаги хонадонларга уйма-уй кириб, томорқадан фойдаланиш ўрганилди. Кичкина ердан яхшигина даромад қилаётганларни ҳам ёки томорқасини қаровсиз қолдирганларни ҳам кўрдик. Тадбирли хонадонларда фойза-барақа бошқача, озодални остонадан билинади. Томорқасини ҳам гуллатиб қўйибди. Бунинг мутлақо тескариси бўлган хонадонлар ҳам учрагани ачинарли ҳолат. Туманимиз гео-

график жиҳатдан икки дарё — Қорадарё ва Оқдарё ораллида жойлашганлиги сабаб сув муаммоси деярли учрамайди. Шундай бўлса-да, бундан унумли фойдаланмаётганларни кўриб, хайрон қолсан, киши. Улар учун томорқа факат чорва учун ўт экиш майдони. Сабзавоту мева-фруктларни бозордан олишни маъқул кўради. “Бозордан арзонга сотиб оламиз, меҳнат қилишга арзаймайди”, дейди. Ҳолбуки, охириги йилларда бозорларимизда айрим сабзавот-мева-фруктларни, хориждан импорт қилинганнинг ҳаммамиз биламиз. Бунинг бош сабабчиси ўзимиз эмасми, десак, индамай қолади. Мақкур оила-ларга қарорнинг мазмун-моҳияти, солиқ имтиёзлари, ерга даромад манбан сифатида қараш кераклиги атрофлича тушунтирилди. Бундан улар тегишли хулоса чиқариб, ерга бўлган муносабати ўзгармоқда.

— Бугун томорқачиликни қўлаб-қувватлаш учун солиқ имтиёзлари берилгани катта имконият, — дейди маҳалла фаолларидан бири Шавкат Курбанов. — Бир йўлаб кўринг, ерингиздан унумли фойдаланиб, миллионлаб даромад қилипсиз. Яна ер солиғидан имтиёз олсангиз? Бу икки томонлама наф эмасми? Агар фойдаланмасангиз, уч баробар юқори солиқ тўлайсиз. Бу адолатдими, дегувчилар ҳам учради. Бу адолатдан, дедик уларга. Нега энди тайёр ер бўла туриб, фойдаланмас экансиз? Бу ноқўрлик эмасми? Ўз ҳовлинг, томорқангизни чиройли қил дейилса, нимаси ёмон. Аслида, бизнинг элга бу гапларни ҳокимиятдан келиб айтиш уят. Агар ҳар бир киши ўз еридан унумли фойдаланиб гуллатиб қўйса борми, сабзавоту мева-фрукт мўл-кўл бўлади. Мана Янгировот-1 маҳалласида яшовчи 67 ёшли Иброҳим ота Машрабонинг саёй-ҳаракатлари бутун маҳаллага ўрнак бўларли.

Иброҳим ота хонадонда бўлганимизда кичкина иссиқхонадаги сабзавотларни кўриб, балли, деб юбордик. Ёш йигитлардек шашли Иброҳим ота 3 сотих ерга 730 туп помидор қадаб, ҳар бир тулдан 2,3 килограмдан ҳосил олмақда. Икки сотихдан чиққан бодиринг эса маҳаллаю бозорга ҳам етмоқда. Бундан ташқари, туркираб ўсиб турган лимонларни айтмайсизми? Кўриб, ҳавасинг келади.

— Аслида бу иссиқхонадаги невараларимга у-бу экиш учун бошлагандим. Худо баракасини берса, ҳеч гап эмас экан. Ўзимиздан ортиб, маҳалла-қўй, бозорга ҳам олиб чиқаямиз. Харидорларнинг ўзи келмоқда. Бунни қарангки, озми-қўпи даромад қилиб, рўзғору тўй-ҳашамларга, яхши кунларга ишлатаямиз. Бунни кўриб маҳаллада анча-мунча киши иссиқхонага қўл урди. Уларга қўлдан келганча, йўл-йўриқ кўрсатиб, қўмақлашиб келямман.

Шу ўрнида бир мулоҳаза. Бугун ён-атрофимизда Иброҳим отага ўхшаган меҳнаткаш инсонлар кўп. Улар ўзини ҳам юртини ҳам обод қилиб, оз бўлса-да, мамлакат ривожига хисса қўшмоқда. Агар ҳар ким шу йўлни тутса, бу жамиятта қилган энг катта нафидир. Лекин хануз орамизда “ҳокимият нима беради, давлат нима беради?” дея боқиманда қайфиятда, нимадир ундириш илминда идорама-идора юрганлар ҳам бор. Уларга қарата айтганим сўзимиз — бугун замон ўзгарди. Ҳамма ўз арава-сини ўзи тортиши, ҳалол меҳнат қилиб, яхши яшаш керак!

Бобур МУҲАММАДИЕВ



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

* Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 24 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоб-ботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:

- 1 АКШ доллари 8068,17
- 1 ЕВРО 9899,64
- 1 Россия рубли 131,84
- 1 Англия фунт стерлинги 11307,54
- 1 Япония йенаси 74,85
- 1 Жанубий Корея вонни 7,54
- 1 Қувайт динари 26879,56
- 1 Малайзия ринггити 2070,62
- 1 Канада доллари 6325,99
- 1 Хитой юани 1282,13
- 1 Сингапур доллари 6128,03
- 1 Швейцария франки 8269,96

- 1 БАА дирҳами 2196,68
- 1 Миср фунти 457,38
- 1 Австралия доллари 6197,16
- 1 Туркия лираси 1986,35
- 1 СДР 11748,06
- 1 Украина гривнаси 308,42
- 1 Польша злотийи 2371,81

*Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мақкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Очиқ мулоқот муаммога ечимдир

ТАДБИР

Тадбиркор ёки ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини ташқи ва ички бозорга олиб кириши учун аввало, божхона кўригидан ўтади. Албатта, бу жараёнда ҳужжатлар расмийлаштируви маълум вақт талаб этади. Лекин ҳар бир тадбиркор учун вақт — маблағ дегани! Чунки у маҳсулотни тезроқ бозорга олиб кирса, иши, даромадининг унуми кўзга кўринади. Акси бўлса зарар кўриши тайин. Шу боис сўнгги йилларда божхона тизимида экспортчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида сезиларли ишлар қилинди.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, жорий йил учун белгиланган экспорт прогнози кўрсаткичларини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан яқинда «Сирғали» ТИФ божхона постида тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилган сайёр учрашувда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш, таклифларни ўрганиб чиқиш ҳамда янги фармон мазмун-моҳияти ҳусусида сўз борди.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспорт ҳажминини кўпайтиришни рағбатлантириш, божхона расмийлаштируви жараёнини соддалаштириш мақсадида кенг қўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадбирда соҳадаги янгилликлар, яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳақида тўхталиб ўтилди. Ташқи иқтисодий фаолиятда давлат хизматларининг шаффофлиги ва улардан эркин фойдаланиш, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, экспорт-импорт операциялари мутаносиблигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш пироварди-

да аҳоли турмуш шароитини яхшилайд.

Жорий йил 1 июлдан бошлаб, фармонга кўра бир қатор янги тартиб-таомиллар жорий қилинди. Жумладан, товарларни божхона режимларига жойлаштиришда, шунингдек, хорижий автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш маршрутларини ўзгартиришга божхона органлари томонидан берилган рухсатномалар бекор қилинди.

Қайд этиш керакки, Тошкент шаҳрининг ўзида жорий йил биринчи чорагида 53,2 миллион АҚШ долларлик товарлар экспорти амалга оширилган. Айни кунда экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган тадбирлар натижасида бу кўрсаткич янада ортиши мўлжалланмоқда.

Учрашув давомида Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган экспортёр корхоналарнинг божхона расмийлаштирувида мавжуд муаммолар ўрганилиб, амалий ечимни таъминланди. Бу жараёнда ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг умумий маълумоти, маҳсулот тури, экспортга ва ички бозорга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, импорт қилинадиган хом ашё тўғрисидаги маълумотлар қўриб чиқилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган анжуманда тадбиркорлар ўзларини қийнаб турган масалалар юзасидан саволлар, таклифлар билдиришди.

Б.ЙЎЛЧИЕВ



Дўстлигимиз мустаҳкам ва абадий бўлсин!

Бошлангич
1-бемда

Жумладан, Урганч туманидаги Туркманлик маҳалласини бир-икки йил илгари кўрган одам бугун танимайди. Замонавий иншоотлару турфа гулу гулзорлар, хибонлар маҳалла ҳуснига-хусн қўшиб турибди.

Урганч туманидаги 29-умумтаълим мактабида ёшларга туркман тилида сабоқ берилади. Мактаб фанлар бўйича ўқув воситалари билан тўла жиҳозланган. Ушбу даргоҳдаги кутубхонада туркман тилидаги адабиётлар ҳам мавжуд. Ўқувчилар аъло баҳолабга ўқиш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этаёт.

Вилоятда ўтказилаётган Наврўз, Мустақиллик байрамлари, турли маданий-маърифий тадбирларда туркман тилида куй-қўшиқлар ижро этилмоқда, рақслар дилларни хушнуд қилаёт.

Урганч туманидаги «Улли ховли» ёдгорлик-мажмуасида ташкил этилган «Ўзбекистон ва Туркمانистон — истисол йилларида» номли кўргазмада халқларимиз мустақиллик йилларида эришган

муваффақиятлари ўз аксини тошган. Бу ерда «устоз-шогирд» анъанаси асосида тўқувчилик, тикувчилик, наққошлик, заргарлик, каштадўзлик каби ўндан ортик тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Ёдгорлик мажмуасига қўйилган ранг-баранг экспонатлар, халқларимизнинг бебаҳо мероси, маданияти, нодир хунарамдидлиги намуналари сайёҳларда катта таассурот қолдирмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги бугунги ҳамкорлик муносабатлари халқларимизга хос азалий дўстлик ва қардошлик ришталарининг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат сифатида барчамизни мамнун этади.

Давлатназар РАЖАБОВ,
Хоразм вилояти

Ўзбек — туркман дўстлик жамияти раиси

КИМ ҲАҚ ёки ҳамкорлик етарли...ми?

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Мактаб даврида партадошим билан гаплашиб турганимда ўқитувчи менга дакки бера кетди. Унинг танбеҳидан беихтиёр жажим чиқиб, бир сўзига ўн сўз билан жавоб қайтардим. У бундан қаттиқ изза бўлди, мен эса мағрурдандим, гўё ҳаммининг олдида зўр иш қилгандек. Бироқ бу қилигим, оиламиз катталарининг эътирозига сабаб бўлиб, эшитадиганимни эшитдим. Айниқса, отамнинг «Сен ҳам ўша ўқитувчига ўхшаб олий маълумотли бўл-чи, кейин жўжахўрозлик қиласан», деган сўзлари ҳеч қулоғимдан кетмади. Чиндан-да устоз даражасига етиш учун қанчалик машаққатли меҳнат кераклигини бугун сезиб турибман.

Яқинда бир ўқитувчи танишим билан суҳбатлашиб ўша воқеани эсладим. У таълим-тарбия бериш жараёни ҳақида куйиниб, айрим юқори синф ўқувчилари билан ишлаш ўта ноизбиллигини айтди. Шу кунларда 9-синф ўқувчисига бир оғиз гап айтиб ундан калтак ейишига оз қолибди. Ўқувчининг бу қилиқларидан бутун ўқитувчилар безор. Ҳатто мактаб директори ҳам. Хуллас, тайёр «қуйдирги». Боладаги бундай феълнинг сабаби оиладаги муҳит. Ота йўқ. Она эса Туркияга ишлашга кетган. Болага масъул — буви-си. Бечора буви ҳаётдан шундай безганки, неварасининг хурмача қилиқларидан жони ҳикматдонига келган.

— Э, ҳаммаси жонимга тегди, нима қилсангиз қилинг, шу болани, — дея неварани устозларнинг ихтиёрига топшириб қўя қолди.

Онахонини тушунса бўлади, фарзандларининг роҳатини қўриб, оёқ узатиб ўтирадиган пайда гавродан боши қотган.

Шу каби ҳолатлар ҳақида Олмазор тумани 219-сонли умумтаълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Наима Толипова бундай дейди:

— Яқинда бир ўқувчининг отасини қақиртириб, фарзандининг устидан шикоят қилганини эшитдик, отанинг лоқайдларча «асли завод шунчака бўлса, нима қилай», дегани қилини лол қолдирди. Шу пайтгача бунақа инсонни

учратмагандим. Нахотки, боласининг жарга қулашини индамай томоша қилиб тураверса? Келажоги ҳақида қайғурмас. Бундай инсонлар оталик номига лойиқмикан, деб ўйлаб қоламман. Афсуски, орамизда ҳаётга, жамиятга, яқинларига бефарқ, лоқайд инсонлар ҳам бор. Улар учун фарзанди мактабга, ўқишга бориб келса бўлди. Қолгани билан иши йўқ. Аксар ота-оналарнинг фикрича ўқитувчи барчасига масъул. У ўқувчига дарс берсинми ёки тарбияси билан шуғуллансинми? Ҳамма гап оилада. Чунки, асосий тарбияни фарзанд оиладан олади. Оилада маънавий муҳит яхшиланмас экан, қуш уясида кўрганни қилаверади.

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақл бор. Аммо бугун бу нақлга қай даражада амал қилинмоқда? Маҳалла-мактаб-оила ўртасида ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилганми? Шу саволларга аниқлик киритиш мақсадида «Янги Тошкент» фуқаролар йиғини раиси вазифасини бажарувчи Сайёра Маннопова билан суҳбатлашдик.

— Маҳалламиз жамоаси билан «профилактика» жараёнида айрим ёшларнинг билиб-билмай жиноят қўчасига кириб қолаётганининг гувоҳи бўламиз. Бунинг сабаби

эса ота-оналар фарзандининг тарбиясига, юриш-туришига лоқайдлик билан қарагани. Бу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида оила-мактаб-жамиятнинг муҳити яхшилаш бўйича олиш мақсадида жамоаси билан қатор режалар ишлаб чиққан. Айниқса, давомати паст, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ўқувчилар билан доимий равишда ишлар олиб боришмоқда. Аммо аксарият ҳолларда бирор қорин хол ўз берса, бутун айб ўқитувчи билан маҳалла чекига тушаёт.

Қолаверса, айрим ота-оналар борки, фарзандини улғайтирдим, уй-жойли қилдим вазифамни бажариб бўлдим деб, уларни ўз ҳолига ташлаб қўймоқда. Оқибатда эса ёш келин-куёв ўзи билганича иш қилиб, гоҳида ораларидан гап қочган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатлар уларни тинчтириш аслида ота-онанинг иши. Лекин айрим ота-она оилани тинчитиш ўрнига оловга ёр сепди. Қолгани ўзингизга маълум... Бу борадаги ишлар билан маҳалламиз қошидаги «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмаси шуғулланади. Мазкур тузилма давлат органлари, фуқаролар йиғини ҳудудидаги таълим ва тиббиёт муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, «Маҳалла

посбони» жамоатчилик тузилмаси ва тегишли комиссиялар билан ҳамкорликда оила мустаҳкамлиги бўйича қатор чора-тадбирлар кўриб келмоқда.

Қисқасини айтганда, бутун айрим маҳалла-оила-мактаб-маҳалла учлигининг чин маънода ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаганини ва азалий ўзбек-она одадларимиз бўлган, қўни-қўшничилик, қариндош-уруғ, умуман, меҳр-оқибат ришталари, ҳатто оддий салом-аликни унутиб қўётганининг гувоҳи бўлаётганимиз. Хўш, масаланинг ечими қаерда, деган саволга бир ҳаётий мисол келтирсам.

Юқоридаги ўқитувчи танишим билан бироз вақт ўтгач яна қўришдик. У тарбиясиз ўқувчи ижобий томонга ўзгараётганини айтиб қолди. Қанақасига, деган саволга: суҳбатдошим болага ҳар кун салом берар, бувисининг ҳола-ахволи, ўқишлари

ҳақида сўраркан. Бошида у бундай муносабатдан бироз қулангандек, ҳижолат чеккандек бўлибди. Вақт ўтгандан сўнг ўқувчида ўзгариш сезила бошлабди. Ўзи салом бериб, туппа-тузук муомалага ўтибди. Ўқиши яхши бўлмаса-да, юриш-туришида бироз ўзгариш сезилибди. Бундан чиқди, оддий салом-алик ҳам инсоннинг кўрқига кўрк, одобига одоб қўшаркан-да. Унинг бу гапларидан бир хадис ёдга келди. Бир қизи Расулulloх соллаллоху алайҳи вассалламдан: Ислоам амалларининг қайсиниси яхши? деди. У киши «Мискинларга таом беришининг ва таниган ва танимаган одамга салом беришининг», дедилар.

Чиндан-да салом бериш меҳр-оқибатнинг, одоб-ахлоқнинг боши эмасми? Афсуски, қўнчилик бунга ҳам унутиб, ўз-ўзи билан овера бўлиб қолган. Ён-атроф, маҳалла-қўй билан иши йўқ.

Худди юқоридаги каби маҳалла фаоллари «Биз яхши ишляймиз, чора-тадбирлар олиб бораёلمиз» деса, мураббий «фарзандингизни хулқи ёмон, дарсга кирмайди, вазифаларни бажармайди», дея оғинади, ота-оналар эса фарзандининг тарафини олиб, айбни ўқитувчи ва маҳаллага ағдариб қўйиш билан банд. Хуллас, ҳар ким ўзича ҳақ.

Бу ҳақда сиз қандай мулоҳазадасиз, азиз ўқувчи?!

Хурийд МАЪРУФ

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

«Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмаган». Бундан XII аср олдин муҳаддислар султони, дунё имоми — Имом Бухорий бобомиз айтган ушбу сўз том маънода замонавий дунёнинг шioriга айланди. Замонлар ўтиши билан бу иборанинг долзарблиги ортса орткики, асло қамайгани йўқ.

Илм эҳтиёжи

Илм билан ривожланаётган бугунги давр инсонга моддий эҳтиёжларини қондиришдек бирламчи эҳтиёжлар қаторига — илмни ҳам қўшидики, шу туфайли у ўзигини англаб, тараққиёт сари дадил қадам қўймоқда. Таъбир жоиз бўлса, уммонлар қаърига шўнғиш, қоиотни забт этиш ҳам айнан илмнинг маъсули эканини бугун ҳеч ким инкор эта олмайди.

Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони аждодларимизнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш, ислом динининг асл моҳиятини, мусавфо ақидаларини халқ оmmasига етказиш мақсадида давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ишларни янги поғонага қўтаради.

Пойтахтимизда ташкил этилган Ислам цивилизацияси маркази, Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари буюк аллоларимизнинг меросини чуқур тадқиқ этиш ва уларни жаҳонга танитишда муҳим аҳамият қасб этмоқда. Юртбошимиз фармонига асосан Ўзбекистон ислом академияси ва Тошкент ислом университети негизда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Эндilikда Халқаро ислом академиясида Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар (араб, форс, инглиз, рус, урду, турк ва ҳокazo), халқаро миқёсда эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрланиши замирида эзу мақсадлар мужассам.

Маълумки, юртимизда диний таълим ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Минтақамизда илк ўрта асрлардаёқ ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитиладиган кўп тармокчи мадрасалар тизими мавжуд бўлган. Мадрасалар минтақада жадид мактаблари пайдо бўлгунга қадар ўрта-маҳсул ва олий маълумот берувчи масканлар саналган.

Илм-фан раванкига беназир хисса қўшган Беруний, Хоразмий, Ибн Сино ва Улугбек сингари буюк аллоларининг номини бугун олам билади. Ислоам олами Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний, Имом Мотуридий каби уламоларнинг асарларини хануз катта қизиқиб билан ўрганмоқда. Замондош мусулмон уламоларнинг эътирофига, улар ислом таълимотини илм-фан даражасига қўтарганлар. Ўрта асрларни Шарқ ренессанси даври сифатида тарих саҳифаларига зарҳал харфлар билан битилиши ҳам беҳиз эмас. Буюк аждодларимиз қайси йўналишда бўлмасин, доим илмор саналган.

Ислам дини инсон манфаатлари ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар қандай қашфиёт ва янгиланиш юксак кадрлайди, қўллаб-қувватлайди. Бунинг муқаддас оятлар ва муборак ҳадислар ҳам тасдиқлайди. Қуръони карим ҳамда ҳадиси шарифда илмга тарғиб қилинган, илмсизлик қораланган. Илм ноил бўлган оятда ҳам «ўқи», «ўқи!» деб буюрилади. «Илм» сўзи Қуръони каримда 811 ўринда турли маъноларда келади.

Муқаддас китобда: «Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража(мартба)ларга қўтарур» (Мужодала сураси, 11-оят), дейилган.

Ибн Хажар Асқалоний ушбу оятни: «Албатта, даражаларни қўтариш улур фазлу марҳаматга далолат қилади ва дунёда олий мартаба, шон-шухрат каби маънавий юксаликни ҳамда жаннатдаги олий мартаба каби ҳиссий юксаликни қамраб олади», дея тафсир қилган.

Расулulloх (с.а.в.) қўллаб-қувватлади. Бунинг муқаддас оятлар ва муборак ҳадислар ҳам тасдиқлайди. Қуръони карим ҳамда ҳадиси шарифда илмга тарғиб қилинган, илмсизлик қораланган. Илм ноил бўлган оятда ҳам «ўқи», «ўқи!» деб буюрилади. «Илм» сўзи Қуръони каримда 811 ўринда турли маъноларда келади.

Муқаддас китобда: «Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража(мартба)ларга қўтарур» (Мужодала сураси, 11-оят), дейилган.

Ибн Хажар Асқалоний ушбу оятни: «Албатта, даражаларни қўтариш улур фазлу марҳаматга далолат қилади ва дунёда олий мартаба, шон-шухрат каби маънавий юксаликни ҳамда жаннатдаги олий мартаба каби ҳиссий юксаликни қамраб олади», дея тафсир қилган.

Расулulloх (с.а.в.) қўллаб-қувватлади. Бунинг муқаддас оятлар ва муборак ҳадислар ҳам тасдиқлайди. Қуръони карим ҳамда ҳадиси шарифда илмга тарғиб қилинган, илмсизлик қораланган. Илм ноил бўлган оятда ҳам «ўқи», «ўқи!» деб буюрилади. «Илм» сўзи Қуръони каримда 811 ўринда турли маъноларда келади.

Муқаддас китобда: «Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража(мартба)ларга қўтарур» (Мужодала сураси, 11-оят), дейилган.

Ибн Хажар Асқалоний ушбу оятни: «Албатта, даражаларни қўтариш улур фазлу марҳаматга далолат қилади ва дунёда олий мартаба, шон-шухрат каби маънавий юксаликни ҳамда жаннатдаги олий мартаба каби ҳиссий юксаликни қамраб олади», дея тафсир қилган.

Расулulloх (с.а.в.) қўллаб-қувватлади. Бунинг муқаддас оятлар ва муборак ҳадислар ҳам тасдиқлайди. Қуръони карим ҳамда ҳадиси шарифда илмга тарғиб қилинган, илмсизлик қораланган. Илм ноил бўлган оятда ҳам «ўқи», «ўқи!» деб буюрилади. «Илм» сўзи Қуръони каримда 811 ўринда турли маъноларда келади.

Муқаддас китобда: «Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража(мартба)ларга қўтарур» (Мужодала сураси, 11-оят), дейилган.

Иброҳимжон ИНОМОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

ДАВРА СУХБАТИ

Тезкор давр шиддатини ҳеч бир таърифу тавсифларга сиғдириб бўлмастлигини бугунги куннинг бир-биридан қизиқарли турли воқеа-ҳодисалари исботлаб турибди. Одатдаги ҳар бир кунимиз янги-янги тафсилоту, бири иккинчисини такрорламайдиган воқеалар билан бошланади. Уятган ҳар бир кун хилма-хил воқеаларга бой бўлса-да, маълум вақт ўтмасданок, улар ҳам ўз аҳамиятини йўқотади. Ҳаёт шуниси билан қизиқ бўлса, не ажаб...

Давримизнинг тезкор янгилик ва муҳим ахборотларини мухлисларга қисқа вақтда етказиш илминда юрган куйди-пишди журналистлар замонавий техника, технологиялар ёрдамида ва йиллар давомида тўплаган маҳоратлари ила воқеа жойларидан энг муҳим янгиликларни тингловчиларга узлуксиз тарзда етказиб туришибди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида "O'zbekiston-24" телерадиоканалининг таърибли журналистлари — Ахборот-таҳлилий эшиттиришлар бўлими мудири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Бузруков ва катта муҳаррир Дилшод Бўриевнинг талабалар билан мулоқоти мавзуси замонавий радиожурналистиканинг долзарб муаммолари ҳақида бўлди.

А. БУЗРУКОВ: — Давр талаби радиожурналистлар олдида ҳам ҳар бир эшиттиришни янгича фикрлаш ва ёндашувлар асосида тайёрлашни вазифа қилиб қўймоқда. Радио — ОАВнинг тезкор воситаси сифатида журналистлардан теран фикрлаш билан бирга, янгиликларга бой, қисқа, лўнда ва мазмунли эшиттиришлар тайёрлаб, тингловчиларга тақдим этишни талаб этаётган. Қолаверса, радиоканаллар орасида ҳам ўзаро рақобат кучайиб кетди, шу боис, тингловчиларда танлаб эшитиш имконияти пайдо бўлди. Ҳар бир радиоканал кўпроқ мухлислар ортиришга ва каттароқ аудиторияни ўзига жалб этишга ҳаракат қилишни табиий. Бунинг учун журналистлар тинимсиз ҳаракат ва астойдил меҳнат талаб этилади.

МАХОРАТ — АСТОЙДИЛ МЕХНАТ МАХСУЛИ

Д. БҲРИЕВ: — Устозимиз А.Бузруков жуда тўғри айтдилар, ҳозирги радиожурналистикани бундан 5-6 йил, ҳатто 1-2 йил илгариги давр билан қиёслаб бўлмайди. Кейинги йилларда соҳада жуда катта ўзгаришлар рўй бераётганлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Янги ташкил этилган "O'zbekiston-24" телерадиоканали, телерадиоканалнинг кўрсатув ва эшиттиришлари янги формат ва услуб асосида тайёрланмоқда. Радиоэшиттиришларимизнинг асосий қисми эфирга тўғридан-тўғри узатилади. Янгитдан шаклланган жамоамиз янги радиоканалга тезда мослашиб олди. Информацион-таҳлилий эшиттиришлар қўламини кенгайтиди, кечая кундўз узлуксиз узатиб туриладиган эшиттиришлар мазмун-мундарижаси ҳам бугунги куннинг талабларига жавоб берадиган десак, ҳеч бир муволаф бўлмайди. Телерадиоканалимизга бир гуруҳ ёш журналистларнинг кириб келганлиги, тўғриси, бизни қувонтирди. Чунки ғайрат-шижоатли ёшлардан янги роя ва тақдирлар, жўяли тавсиялар чиқади.

САВОЛ: — Қандай қилиб маҳоратли журналист бўлиш мумкин?

А. БУЗРУКОВ: — Исталган касб эгаси, шунингдек, журналистда ҳам маҳорат йиллар давомида шаклланиб боради. Танлиқли адиблардан бири "Иктидорнинг 99 фоизи меҳнатдан иборат", — деган экан. Маҳорат ҳақида ҳам шунини айтган бўлардим. Кўпинча ёшларимиз танлиқли адиб ёки журналистларга ҳавас қилишадилар, уларга ўхшагилари келади. Маҳоратнинг замирида ўқиш, ўрганиш, кузатиш, тинимсиз меҳнат ётади. Йиллар давомида меҳнатдан қочмасдан изланиш, ўз устида жиддий ишлаш маҳоратини қамолга етказиши. Шундай экан, касбга садоқатли бўлиш баробарида кўп ўқиш, меҳнат қилишдан эринмаслик, албатта, қутилган натижага беради.

САВОЛ: — Радиоканалларнинг айни вақтдаги фаолияти ҳақида қандай фикрдасиз?

Д. БҲРИЕВ: — Аввало, кечирасизлару, мен сизларга худди шу савол билан мурожаат қилмоқчи эдим. Аммо сиз биринчи бўлдингиз.

Радио бизга ҳар кун қўлаб қизиқарли информация беради. Иборали қилиб айтганда, дунёдан бохабар бўламиз. Миллий телерадиоканалимиз тизимдаги тўртта радиоканални олиб қарайдиган бўлсак, ҳар бирининг ўз ўрни, тинглайдиган мухлислари бор. "O'zbekiston" радиоканали бошқа радиоканаллар орасида тажрибали канал сифатида турли-туман эшиттиришлари билан мухлисларига манзур бўлаётган бўлса, "Yoshlar" радиоканали ҳам ҳар кун миллионлаб ёшлар тинглашади. "Mahalla" радиоканали ўзига хос эшиттиришлари билан мухлисларига манзур бўлмоқда. "O'zbekiston-24" радиоканали ҳам ўзининг информацион-таҳлилий эшиттиришлари билан мухлислари кўнглига киришга ҳаракат қилипти.

Радиоканалимизнинг ҳар бир вилоятда мухбирлари бўлиб, улар худудларда кечаётган илҳоотлар ҳақида мунтазам тарзда эшиттиришлар тайёрлаб, бизга юборади. Яна, маълумотларни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, вазирлик, идора, ташкилотлар ахборот хизматларидан оламиз. Хориж хабарларини тайёрлашда интернет тармоғидан фойдаланамиз.

Маълумотларнинг ишончилигига келсак, биз одатда, бирон-бир эшиттириш тайёрлаш учун интернет ёки маълум ахборот агентлигидан олган маълумотларни бир-бирига солиштирган ҳолда, унинг ишончилигини аниқлаймиз. Ҳар бир эшиттириш эфирга узатилишидан олдин унда келтирилган факт, далил, рақамлар обдон текширилади, аниқланади. Уларга ишонч ҳосил қилинганда сўнгги, эфирга қўйишга рухсат берилади.

САВОЛ: — Радиода информация дастурларнинг ўз ўрни бор. Информацион эшиттиришлар тайёрлаш давомида қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш керак?

Д. БҲРИЕВ: — Информацион дастурларни тайёрлашда ҳар бир радиожурналистдан тезкор ҳаракат, ҳозиржавоблик талаб этилади. Чунки ҳар соатда мам-

лакатимиз ва хорижда рўй берган муҳим янгиликларни тингловчиларга етказиб туриш лозим. Масъулият шундан иборатки, эфирга ижтимоий аҳамиятга молик, муҳим янгилик, хабарларига берилиши керак. Яна бир жиҳати, информацион дастур орқали берилган хабар, репортаж, интервью ёки тезкор шарҳ бўладими, қисқа, аниқ ва мазмунли бўлиши талаб этилади. Илгарилари битта репортаж эфирда 5-6 дақиқа давом этган бўлса, ҳозирда 2 ёки 2 ярим дақиқага боради. Ана шунда информация дастур тайёрлаётган журналистнинг тажриба ва маҳорати жуда асосли. Воқеа содир бўлган жойдаги тафсилотларни икки ярим дақиқага тушунарли, мазмунли тарзда жойлаштиришни радиожурналистга осон тутиб бўлмайди. Эфирга узатиладиган тўғридан-тўғри эшиттиришларни олиб бориш ҳам журналистдан катта масъулият ва маҳорат талаб этади. Эшиттириш давомида узоқ пауза қилиш, битта сўзни қайта-қайта айтиш, тил қондаларига роя қилмаслик радиоканал бўғисига салбий таъсир қилади.

ЭРКИН АБДУСАТТОВ: — Журналистика факультети олий журналистика курслари I босқич тинловчиси:

— Бизнинг гуруҳ тингловчилари олдин турли соҳалар бўйича ўқиб, бакалавр даражасини олишган. Биз журналистикага ихтисослаштириш мақсадида факультетда устозлардан касб сир-синоатларини ўрганяптим. Орамиздан кимдир газетачиликка қизиқса, кимдир ўз олдига тележурналист бўлишни мақсад қилиб қўйган. Яна кимдир интернет журналистикаси бўйича муваффақият бўлмоқчи. Тўғриси, бой тажрибага эга, кўпини кўрган танлиқли журналистлар билан бугунги мулоқот радиожурналистикага ҳавасимизни уйғотди. Ажаб эмас, орамиздан тингловчиларга манзур бўладиган, бир-биридан мазмунли эшиттиришлар тайёрлаб, халқимиз хурматини қозонадиган радиожурналистлар чиқишса.

Юсуфжон ҲАМДАМОВ ёзиб олди.

“ЯНГИЛИКЛАР ИМПЕРИЯСИ”ДА
унутилмас уч кун

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бугунги кунда дунёдаги энг машҳур телерадиокорпорация умумий мавзудаги 17 та телеканал, Шотландия учун BBC Alba — ахборот-қўнғилочар телеканал, 3 та (BBC World News, BBC Arabic Television, BBC Persian Television) халқаро телеканаллар, маълум бир мавзуга ихтисослашган 6 та умумимиллий телеканаллар (BBC Three — ёшлар телеканал, BBC Four — маданият-маърифий канал, CBBC ва CBeebies болалар учун мўлжалланган каналлар, BBC News — янгиликлар канали, BBC Parliament — парламент канали, турли хил йўналишлардаги 46 та радиостанция (худудлар билан умумлашганда 14 та йўналишда), умумий мавзуда эфирга чиқувчи 6 та худудий, 28 та тилда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам эфирга чиқувчи 17 та халқаро радиостанциялар, мусиқага бағишланган BBC Radio 6 Music ва BBC Radio 1Xtra, спортга йўналтирилган BBC Radio 5 Live Sports Extra, ўтган йилларнинг воқеаларига бағишланган BBC Radio 4 Extra ва муҳожирлар учун BBC Asian Network эфирга чиқади. Ўзига хос бўлган BBC Red Button телематнлар канали ва bbc.com домени остида онлайн ТВ ва онлайн радиони ўз ичига олган 29 сайт фаолият юритади.

Мактабда ўқиб юрган кезларим Би-Би-Си ҳақида эшитиб, журналистлари фаолиятини бир бор бўлса-да, кўришни орзу қилардим. Ёшликдаги озуғимга орадан салкам 35 йил ўтгач эришиб, “янгиликлар империяси” фаолияти билан танишишга муваффақ бўлдим. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистондаги Буюк Британия элчихонаси ҳамкорлигида бир гуруҳ ўзбек журналистларининг Лондонга сафари Британиянинг умумимиллий телеэшиттиришлар ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишишдан бошланди.

BBC журналистлари ўз малакаларини қаерда оширишди?
“Янгиликлар империяси” билан танишувимиз бевоқиф корпорациянинг журналистларнинг малакасини ошириш бўлими BBC ACTIONдан бошланди. Видеокўрсаткич Жонни Руттерфордининг ярим кулик тренинг гуруҳида малакали журналистларга билим олиш ва ўрганишдан инсон ҳеч қачон тўхтамаслиги кераклигини яна бир бор эслатди.

— Катта кўрсатилган ҳар бир нарсани томошабин хис қилиши керак, — дейди Ж.Руттерфорд. — Масалан, сиз бирорта озиқ-овқат маҳсулотини озуғига олиясиз. Томошабин унинг таъминини хис қилиши учун, яъни сабаби тўғралаётган жараёни, унинг шарбати камера линзасига сақраши учун

яқиндан, йирик планда олиш лозим. Айни пайтда видеожурналистлар, айниқса, ҳамма жараёни бир ўзи бажарадиган журналистлар сони кўпайиб, операторлар 70 фоизгача қисқартирилмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, BBC асосан янгиликлар, янгиликлар шоуси ва ҳужжатли фильмларга кўпроқ ургу беради. Янгиликларда мен ўзимга ёққан нарсани кўпроқ кўрсатишга ҳаракат қиламан. Агар янгилик ёки видеоролик сайёҳлар учун тайёрланган бўлса, албатта, тарихий жойларни қайта таъмирланмаган, ўз ҳолича қолган қисмларини кўпроқ кўрсатиш лозим. Бу уларнинг эътиборини жалб этади. Ҳар бир кадр томошабинни уйғотиши зарур.

Виктория Дербешери “янгиликлар шоуси”
Бугунги томошабин инжик. Ахборот асрида маълумотларнинг қўнғил томошабин эътиборини жалб қилиш учун янгиликнинг эфирга турли усуллар билан узатишга тақозо этмоқда. Албатта, бу борада BBC ходимлари доимо изланишда. Ниҳоят сафаринингнинг иккинчи кунини “Янгиликлар империяси”нинг бош биносига қадам қўйдик. 8 каватдан иборат, салкам 8 минг нафардан ортиқ ходим ишлаётган бино катта ҷумоли уясини эслатди. Буюк Британияда рейтингни бўйича юқори ўринлардан бирини эгаллаб турган Виктория Дербешери янгиликлар шоусини тайёрлаш жараёнини кузатдик. Шоунинг асосий мақсади мав-

жуд ижтимоий муаммоларга телетомошабинлар эътиборини қаратиш. Эфирга кетган журналист лаҳзасидан сўнг студияга лаҳза катташчилари ҳамда мутасадди ташкилот вакиллари чақирилиб, ўша заҳотиёқ ечимлаётган муаммоларга жавоб изланади. Томошабинларни янгиликларни қўришга ундовчи ўзига хос реклама дастури тайёрланиб, эфирга узатилади.

— Асосий мақсадимиз оддий одамлар дардини тинглаш, уларнинг муаммоларини ҳукуматга етказишдир, — дейди “Виктория Дербешери билан янгиликлар дастури”нинг менежери Верити Мерфи. — Интервью олиш жараёнида аудиторияга ишлар керак эмас. Респондент журналистга ишониши, унга қалбини очибдиш лозим. Бу журналистдан маҳорат талаб қилади.

Виктория сўхбат жараёнида ўз респондентини қўлаб-қувватловчи сўзлар билан, елкасини қўчган ҳолда юпатиши мумкин. Аксинча сўхбатчиларга у жуда ҳам қаттиққўл. Муаммо ечимини топаётганча тинчимайди. Бизнинг гуруҳимиз тез-тез журналист сўхбатини ўтказди. Албатта, бу жуда қийин жараён. Аммо ҳақиқатини юзага чиқаришда ёрдам беради ва дастур рейтинг кўрсаткичининг юқори бўлишига олиб келади.

Айни пайтда дастур BBC сайтларида, ижтимоий тармоқларда ҳам кенг намойиш этилади. BBCнинг ўзбек хизмати билан учрашув, айниқ-



са, анча марокли ўтди. Хизмат фаолиятини мувофиқлаштириб турган Хамид Исмоилов ва Хайрулла Убайдуллаев, Дилором Иброҳимоваларнинг айтилишича, бугунги кунда хизматда 10 нафар ўзбек журналистлари фаолият юритмоқда.

— Марказий Осиё хизмати ўз фаолиятини 1994 йилда бошлаган эди, — деди биз билан суҳбатда Х.Исмоилов. — Ўша пайтда 44 та хизмат фаолият юритган бўлса, кейинчалик уларнинг сони қисқариб, 28 тани ташкил этди. 2017 йилдан бошлаб Шимолий Афристонда истикомат қиладиган ўзбеклар учун 10 дақиқалик кўрсатув эфирга чиқа бошлади. Ўзбекистон учун эса дунё хабарларини ўзбекистонликларга ва Ўзбекистон хабарларини инглиз тилида тарқатиш учун онлайн тарзда хизматнинг интернетдаги саҳифаси www.bbcuzbek.com ни, фейсбук, твиттер, инстаграмдаги саҳифалари олиб борилади.

Албатта, 2017 йилда Тошкентда BBCнинг мухбирлик шохобчасининг очилиши катта воқеа бўлди. Бу Ўзбекистонда бугунги кунда кечаётган янгиликларнинг, илҳоотларни жаҳон аудиториясига тақдим этиш имконини беради.

BBCдан аудитория нимани истайди?
Бугунги кунга келиб BBC аудиторияси 500 миллион кишидан ортиқ-

дир. Уларнинг фикрини BBC 75 йилдан буён ўрганади. Мухлислар диққатда эътиборида бўлиш учун ташкил этилган Audience Strategy ёки аудиторияни ўрганиш бўлимида минта яқин ходим фаолият юритади.

Айни пайтда аудитория билан ишлаш уч йўналишда олиб борилади:

- сўровномалар;
- аудитория ҳаракатини ўрганиш;
- сифатли тадқиқотлар.

Телевидение ва радиодан эфирга узатиладиган янгилик ва маълумотларнинг сифатини аниқлаш учун обуначилар орасидан маълум бир қисми саралаб олиниб, ходимлар уларнинг уйларида бориб суҳбат ўтказишди, бир ҳафта давомида респондентлар нимани қўришгадигани, эшитгадигани ҳақида қўнғил қўришди. Натижалар таҳлил қилиниб, ҳулосаланди. Бундай таҳлиллар ҳар ҳафта ўтказилади.

Телевидениеда обуначиларнинг телезорларига электрхисоблагич ўрнатилиб, у ҳар бир дастурни қачон ва неча маротаба қўрилганлигини ҳисоблайди. Айни пайтда ногиронлиги бор инсонлар билан ишламоқдамиз. Жамиятда бундай инсонлар 20 фоизни ташкил этади, аммо ҳозирча каналлардаги кўрсатувларнинг атиги 3 фоизинга улар учун тайёрланган. Хужжатли фильмлар эса аксарият ҳолатда аудитория тала-

би билан ишланади. Асосий мақсад — Буюк Киролик худудда яшовчи ҳар бир инсонга, у ким бўлишидан қатъи назар, хизмат кўрсатишдир.

BBCда журналист фаолиятига қандай талаблар қўйилади?

BBCда ахборот журналистлар томонидан қўйиладиган талабларга асосланган ҳолда тайёрланади: ҳақиқат ва аниқлик, ҳолилик ва мустақиллик, жамият манфаатларини устун қўйиш ва ўз аудиториясига ҳисобот бериш. Мазкур талабларга ҳар бир журналист роя қилади. Аҳолий қондаларга эса инсонни қамситмаслик, одамларга нисбатан атамаларни ишлатишда эҳтиёт бўлиш лозим. Қўйида бир нечта айнан BBC журналистлари роя этадиган айрим қондаларни келтирамиз:

- репортёр касбий фаолиятдан келиб чиққан ҳолда фикрини билдириши мумкин;
- яхши журналистика жамиятнинг турли қатламларида у ёки бу ҳодиса, воқеа ҳақида фикрини шакллантира олади;
- интервью қатъий ва ўзаро ҳурматга асосланган бўлиши лозим;
- аудитория фикрини доимо инобатда олиш зарур;
- телетомошабин, радиотингловчинини ҳеч қачон алдаманг.

Наргис ҚОСИМОВА

ДА МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН
УЛАР ҲАҚИДА
БИЛАСИЗМИ?

Том ВУЛЬФ (Томас Кеннерли, кичик Вульф) — америкалик журналист, ёзувчи, “янги журналистика” йўналиши кашфиётчиси.

Том Вульф 1931 (баъзи манбаларда 1930) йилнинг 2 мартда АКШнинг Виржиния штати Ричмонд шаҳрида туғилган. Том профессионал ёзувчи бўлишни орзу қиларди. Тўққиз ёшида Наполеон I нинг биографиясини ёзишга ҳаракат қилган. Бу уриниши муваффақиятли чиқмаган. Шундан сўнг у Вольфганг Амадеу Моцарт ва унинг асарлари ҳақида ёзди.

У 1956 йилда ўзининг журналист сифатидаги биринчи иш таърибасини Massachusets штати Спрингфилд шаҳарчасидаги “Republican” газетасида бошлади. Орадан беш йил ўтиб, “Washington Post” газетаси муҳбири сифатида илк бор шўҳрат қозониш имкони пайдо бўлди. У Кубадаги инқилобий жараёнларни моҳирона шарҳлаб берадиган “Вақтли матбуот нашрлари гильдияси”нинг мукофотида сазовор бўлди. Барбара Гильдия ҳаёти уни репортажларида тажриба сифатида фойдаланган юморга бой беллетристика (осон ўқиладиган) элементлари учун ҳам тақдирлади.

У “Esquire” журнали бош муҳаррири Байрон Дубелл топшириғи билан янги автобиограф ҳақида репортаж тайёрлаш учун Калифорнияга боради. Ушбу буюртма материалнинг ҳажми анча катта эди. Мақолани қўлга киритгач, Дубелл “Қадрли Байрон” сўзларини олиб ташлаб, қолагини ҳеч бир ўзгартиришсиз чоп эттирди. “Ур-ра! Ур-ра!” номи остида босилган бу эссе катта шўҳрат қозонди. Ҳа, бу ўша машҳур бестселлер — “Конфетларга бўялган апельсин гулбарели силлиққина кичкинтой” эди.

Вульф 1965 йилда биринчи китобини наширда тайёрлади. Унинг даърий нашрларга берган материаллари, эсселари тўплам ҳолида ҳам “Конфетларга бўялган апельсин гулбарели силлиққина кичкинтой” номи остида босилиб чиқди. Ушбу тўплам чоп этилган кунини эса “янги журналистика”нинг туғилган кунини деб эътироф этишди. Китоб бестселлерга айланди ва Вульфни бутун дунёга янги йўналишнинг “устаси” сифатида танитди. “Бу кашфиёт шунинг исботлайдики, — дейди Вульфнинг ўзи, — ҳужжатли прозада ҳам, журналистикада ҳам ҳоҳлаган адабий усулни — анъанавий диалогли эсседан тортиб, онг оқилларига — уларни биргаликда ёки контекстда жойлаштиришга қараб қўйлаш мумкин. Бу ўқувчининг нафақат интеллектуал, балки эмоционал ҳиссини ҳам уйғота олади”.

Х.ФАЙЗИЕВА тайёрлади

Ўзбекистон — Туркменистон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ПОҒОНАСИ

► ШАРҲ ЎРНИДА

Бир дарёдан сув ичган деган нақл қардош халқлар учун айтилгандек гўё. Юксак маданият, боқий қадриятлар, ўхшаш тилу урф-одатлар, қадим тарих муштараклиги Ўзбек ва Туркман элини бирлаштириб туради. Айниқса, сўнгги йиллардаги алоқалар жаҳон майдонида катта сиёсий аҳамият касб этмоқда. Зеро, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар, хавфсизлик ва бошқа масалалардаги ҳамжиҳатлигию ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилиб, янада мустаҳкамланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига кўра 23 апрель кун Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов давлат таширифи билан Ўзбекистонга келди. Икки давлат раҳбарларининг галдаги учрашуви мамлакатлар ўртасидаги яқинлик, халқлар ўртасидаги дўстликни янада юксак поғонага кўтарди. Қўшничилик муносабатларининг кучайиб бораётгани, стратегия шерик мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончи, самимий ҳурматлари асосига қурилгандир.

Айтиш керакки, мамлакатимизда 192 минг туркман миллига мансуб аҳоли яшайди. Дини, тили, маданияту урф-одатлари ўзбеклар билан деярли бир хил бўлган туркманлар кўпмиллатли юртимизнинг равишлари, унинг гуллаб-яшнаши учун ўзларини ҳам дахлдор деб биладилар. Юртимиздаги 44 та ўрта мактабда дарслар туркман тилида олиб борилади. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидида туркман филологияси, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтидида туркман тили ўқитувчилари тайёрланаётир.

Ўтган йил ноябрь ойида Туркменистонда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунларининг таассуротлари кечагидек ёдимизда турибди. Таъкидлаш лозимки, Туркменистон Президенти расмий кутиб олиш тadbирлари Кўксарой қароргоҳида ўтказилгандан сўнг Президентлар тор доирада учрашув ўтказишди. Мазкур мулоқотда томонлар икки мамлакат муносабатларини янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, ҳамкорликнинг кенг қамровли йўналишларини белгилаб олиш ҳамда давлатларимиз ички ва ташқи сиёсатида оид барча соҳаларда келишувлар юзасидан фикр алмашишди.

Шу ўринда, Шавкат Мирзиёев Президент сифатида илк хорижий таширифини Туркменистондан бошлаганини айтиб, бунда ҳам ўзига хос рамзийликни таъкидлаш жоиздир. Биргина 2017 йилнинг ўзида уч маротаба Туркменистонга ташириф буюрган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамла-

катларимизнинг стратегик муносабатларини юқори поғонага олиб чиқди.

Туркменистон етакчисининг юртимизга давлат таширифи муҳим сиёсий воқеа бўлиб, юқоридаги учрашувларнинг мантқий давоми сифатида аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон — Туркменистон чегарасининг очилиши, транспорт қатновларининг мунтазам йўлга қўйилгани шулар жумласидандир. Савдо-сотиқ ҳақида гапирсак, ўтган йилги келишувлар самараси ўларок, жорий йилнинг биринчи чорагида товар айирбошлаш ҳажми 55 фоизга ўсгани ҳар икки мамлакат учун катта муваффақиятдир.

Икки давлат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган музокараларда ҳар икки тараф минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор ривожланишнинг самарали механизмларини яратиш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, терроризм, экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича яқдил фикрга эгалиги ва бу борада ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масаласи кўрилди.

Шунингдек, Ўзбекистон — Туркменистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий гуманитар ва бошқа соҳаларни ривожлантириш борасида музокаралар борди. Айниқса, савдо-иқтисодий ҳамкорликда нефть-кўмир, транспорт-коммуникация, қишлоқ хўжалиги, турли соҳадаги хизматлар экспорти, тadbиркорлик субъектларига қулай шарт-шароит яратиш масалалари етакчи ўринни эгаллади. Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик юзасидан ҳукуматлараро комиссия фаолияти ижобий натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этаятгани, жумладан, комиссиянинг жорий йил 1 мартда Тошкентда ўтказилган учрашуви савдо-иқтисодий алоқалар равишда ижобий самара бергани алоҳида қайд этилди.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликка асосий эътибор қаратилиб, турли кўрсаткичларини доимий равишда ташкил этиш, савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энер-



ЎЗА олган сурат

гетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йирик лойиҳалар, жумладан, йилга 25 миллиард куб метргача газ етказиш қувватига эга Туркменистон — Ўзбекистон — Қозғистон — Хитой газ қувури лойиҳаларини такомиллаштириш ҳақида сўз борди.

2017 йилнинг март ойида Амударё устида қурилган Туркманобод — Фороб автомобиль ва темир йўл кўприқлари ҳам йирик лойиҳа бўлиб, транспорт соҳасида мамлакатлар ҳамкорлигининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўз ўрнида мамлакатларимизнинг интеграцияланган автомобиль ва темир йўллари бошқа давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтайди.

Кўксаройдаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёноти имзолашди. Худудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, савдо уйлари очиш, ишбилармонлар кенгаши ташкил этиш, транспорт, транзит, қишлоқ хўжалиги, фан-техника, қасаба уюшмалари, спорт ва бошқа соҳаларни изчил ривожлантиришга доир 17 та ҳужжат имзоланди. Ташриф доирасида мамлакатлар олий ўқув юртлири ўртасида ва ахборот-коммуникация соҳаларида ҳам 15 та ҳужжат қабул қилинди.

Ўзбекистон жаннатмонанд диёр. Тупроғи олтин, ҳавоси шиёо ўлка. Айниқса, сўнгги йилларда пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари шаҳримиз кўрқига кўрк қўшмоқда.

Куннинг иккинчи ярмида Гурбангули Бердимухамедов Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида истиқлолимиз рамзи, миллимизнинг шаъни, бунёдкорлигимизнинг самараси бўлган Мустақиллик майдонида йўл олишди. Фуруриимиз ва фахримиз — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига анвойи гуллар қўйилди. Шунингдек, Туркменистон Президенти Буюк Йўлбошчимиз, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти

Ислом Каримов ҳайкали пойига ҳам гулчамбар қўйди ва улуғ раҳнамозини хотирлаб ҳурмат бажо келтирди.

Ўтган йили Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига буюк туркман шоири Махтумқули номи берилиб, кўча бошига шоирнинг монументи ўрнатилган, атрофи обод қилиниб, сўлим хиёбон барпо этилган. Икки давлат раҳбари бу ерда бўлишди. Ўзбекистонда туркман халқи, адабиёти ва маданиятига бўлган ҳурмат ва эътибор ифодаси ўларок, дўстлик ришталари янада раванқ топаётгани ҳар икки давлат вакилларининг нигоҳларида акс этмоқда.

Президентлар Тошкентдаги ободлик ва бунёдкорлик ишларининг яна бир тимсоли — пойтахтимиздаги Ашқобод сўйишнинг очилишида иштирок этишди. Айнан Махтумқули кўчасида барпо этилган ушбу масканда Туркменистоннинг рамзи бўлган Ахалтеки отларининг ҳайкаллари барчани бирдек ҳайратга солди.

Туркменистон Президенти ўз таширифини 24 апрель кун Хо-разм вилоятида давом эттираркан, давлатимиз раҳбари Урганч халқаро аэропортида Гурбангули Бердимухамедовни кутиб олди.

Урганчнинг Фойбу қишлоғида туркман миллига мансуб

юртдошларимиз истиқомат қилишади. Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таширифи муносабати билан бу ерда Ўзбек-туркман дўстлик уйи очилди.

Президентлар дўстлик уйида яратилган шароитлар билан танишишди. Махмуа қадимий ва замонавий меъморчилик аънавалари асосида барпо этилган барчага манзур бўлди. Дўстлик уйида ўзбек ва туркман халқларининг кўп асрлик алоқаларини акс эттирувчи музей, икки мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхона ташкил қилинган айниқса, юрти-мизда ёш авлодга ғамхўрлик, китобхонликка берилаётган алоҳида эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Шунингдек, Урганч туманидаги “Улли ҳовли” мажмуаси ҳам тарихий обидалардан бири ҳисобланади. Ўн еттинчи асрда қурилган мажмуада, қадимий ҳовлилар, туркман маданиятига оид осориатқалар, уларни ўраб турган қўрғон сақланиб қолган. Яқин пайтларда бу ерда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Йигирма ўринли меҳмонхона қурилди. Туркман ўтовлари тикилиб, сайёҳлик ва зиёрат туризми учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди.

Хоразмга ташириф чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон Президенти “Улли ҳовли” мажмуасида ҳам бўлишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Яратганининг ўзи ато этган бебаҳо бойлигимиз борки, у ҳам бўлса, халқимизнинг бекиёс интеллектуал ва маънавий — салоҳиятидир” — дея юксак ишонч билан айтган гаплари ҳамиша ҳар бир юртдошимизнинг қалби кўридадир. Юртимизни жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини кўтариш, муносиб ўрнини мустаҳкамлаш, шубҳасиз, интеллектуал салоҳиятга ва юксак маънавиятга эга халқимиз саъй-ҳаракати билан амалга оширилади. Мамлакатимизни ривожлантириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, барча давлатлар, хусусан, қўшни мамлакатлар билан ривожланаётган дўстлик ва шериклик алоқалари тобора янги поғоналарга кўтарилмоқда. Зеро, қардош халқларимизнинг салоҳияти ва қудрати мана шу дўстликда, десак асло муболаға бўлмайди.

ЎЗА материаллари асосида
Ш.МУРОДОВ тайёрлади.

► БУ ТУРФА ОЛАМ

КОФЕ ЮРАК УЧУН ФОЙДАМИ, ЗАРАР?

Кофени кўп истеъмол қилиш юракка зарар, деган гапни кўпчилик эшитган. Австралиялик олимлар бунинг аксини исботлашди. Бейкер институти вакилларининг гапига қараганда кофе аритмияни пасайтиради.



Олимлар юрак бўлмалари ва ошқозон фаолиятининг бузилиши, аритмиянинг келиб чиқиши билан кофе ўртасидаги боғлиқлиқни ўрганиш мақсадида тадқиқот ўтказишди. 228 465 киши иштирок этган биринчи тадқиқот натижасида кофе истеъмол қилган қатнашчиларда юрак бўлмалари фибрилляцияси (айрим-айрим қатнашчиларда ўзгаришлар) хавфи пасайгани маълум бўлган. 115 993 киши қатнашган иккинчи тадқиқотда эса фибрилляция даражаси 13 фоизга пасайгани кузатишди.

Мутахассислар кофенинг зарари айрим ҳолатлардагина кузатилишини таъкидлаш билан бирга, ушбу ичимлик асаб тизимини кўзга, аденосин (биоким-ёвий жараёнда муҳим роль ўйнайди) фаолиятини тўсиб қўйишни қайд этишмоқда. Бундан ташқари, кофенинг кунлик миқдори 500 миллиграмдан ошмаслиги, шундангина у меъда бузилишига олиб келмаслиги ҳам айтилмоқда. Миокард инфарктини ўтказганлар эса суткасига 350 миллиграммдан истеъмол қилишлари тасвия этилаётир.

Кунига 9-10 финжон кофе ичадиганларда аритмия кузатилиши табиий, саломатлигини бир маромда ушлашни истаган киши эса 300 миллиграмм билан қияланади, дейди мутахассислар.

АФРИКАДА ТОПИЛГАН ҚАДИМИЙ ЁЗУВЛАР



Франциялик археологлар Суданда қуши тилидаги (Африкада мавжуд қадимий тиллардан бири) кўхна матнлар ва таблич-каларни топишди.

Топилманинг ёши 2700 йил деб тахмин қилинмоқда. Қазилма ишлари олиб боришдан ушбу жой номи Седейин деб тахмин қилинмоқда. Эрамиздан аввалги XIV асрга тегишли ушбу кўхна бутхона Миср фиръавнларидан бири Аменхотеп IIIнинг турмуш ўртоғи Тияга бағишланган экан. Эрамиздан аввалги VII асрда эса мазкур худуд “ўлик шаҳар”га, яъни қузлаб сағаналар ва 80 та пирамидадан иборат қабристонга айланган. Қадимий матнлар ана шу даҳма ичида, эшиклар кесакиси ва тоқчаларга ёзилган экан.

Ушбу ёзув ва тил Тутмос I бошқаруви даврида Миср-ни босиб олган подшоҳ Куш ҳукмронлиги йилларида пайдо бўлган. Шунинг учун мазкур алифбо қадимий Миср тилига яқин. Аммо топилган ёзувларнинг бир қанчаси ҳали таржима қилинмаган.

ФОЙДАЛИ ТАТУИРОВКА

Швейцариялик олимлар қонда кальций миқдори ошганда (гиперкальциемия), қорайиб белги берувчи татуировка яратишди.

Ушбу кўрсаткич кўпинча онкологик хасталикларнинг ривожланиши билан боғланади. Олимлар ишланма туфайли саратонни эрта босқичларда аниқлаш мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

Татуировка қондаги кальций миқдоридан таъсирланувчи махсус ҳужайралар йиғиндисидан иборат. Қондаги кальций миқдори меъёридан ошса, ҳужайралар қорая бошлайди. Тадқиқотчилар мазкур ангиликни сичқонларда синаб кўрди. Кальций ионлари бўлган ҳолатларда қоравчи ҳужайралар киритилган кемирув-чиларда татуировкалар деярли шу захоти қорайган.

Ушбу ихтиро инсонларга ўз соғлигини мустақил кузатиш учун асқотиши кўзда тутилган. Аммо татуировканинг ягона камчилиги — “яшаш” муддати бир йилдан ортиқ эмас. Шу вақт ўтгач, уни алмаштириш керак бўлади.

Интернет материаллари асосида
Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

Тошкент Меҳр-Шафқат касб-хунар коллежи томонидан 2006 йилда Сатдинова Алия Серикбаевна номига берилган К №369870-сонли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ


► ЖУҒРОФИЙ САЁХАТ

Ўзга юртларга саёхатга отланган кишиларнинг кўпчилиги ҳаво транспортидан фойдаланишни маъқул кўради. Дунёда шундай аэропортлар борки, миллионлаб йўловчиларни нафакат қулай ва замонавий ҳаво лайнерлари, балки хашаматли ва ноодатий қўринишдаги бино қурилмалари билан ҳам нафтун этади.

Айтиш жоизки, сўнгги ўн йилда аэропортлар ташқи қиёфаси, биносига бўлган талаблар анча ўзгарди. Қўпна йирик авиакомпаниялар фақатгина аъло хизмати, қулай парвоз билан эмас, балки замонавий архитектура-си билан ҳам рақобатга киришди.

Демак, бүгун дунё аэропортлари бўйлаб саёхат қиламиз.

ЖОН КЕННЕДИ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ, НЬУ-ЙОРК, АКШ.




Йўловчиларга хизмат кўрсата бошлаган ва даставаал Idlewild (голдф майдони номи) номи билан аталган. Орадан ўн олти йил ўтиб, АКШнинг 35-президенти Жон Кеннеди шарафига номи ўзгартирилган.

Бугунги кунда мазкур аэропортнинг 1962 йилда очилган Терминал-5и машҳур. Сабаби, аэропортлар тарихида илк бор аэропортнинг айланиш бўлими юк конвейерлари, электрон таблолар, замонавий юк ўлчашлар ҳамда кабель ТВ билан жиҳозланган.

“ҲАВО ДАРВОЗАЛАРИ”

КАНСАЙ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ, ОСАКА, ЯПОНИЯ.

Аэропортнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у Осака қирғовидаги сунғий орол ичида қурилган. Лойиҳа муаллифи Ренцо Пианонинг фикрига кўра, ушбу қурилма тайфун, цунами ва зилзилаларга дош бериши керак эди. Ҳақиқатда шундай бўлди. 1995 йилда Японияда 7 балли зилзила бўлиб, 6 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлганида ҳам аэропортга жиддий зиён етмаган. Орадан уч йил ўтиб, тезлиги соатида 200 километрге етувчи тайфун рўй берганида ҳам дизайни самолёт қанотини эслатувчи аэропорт биноси “қилт” етмаган. Кансай дунёдаги ўхшаш йўл-ягона аэропорт сифатида эътироф этилади. У сувда жойлашгани боис маҳаллий аҳолига зиён етказмайди. Бошқа аэропортлардаги каби учини ва қўшни йўлакларидан самолётларнинг баланд овозлари эшитилиб турмайди. Чунки сув парвоз этаётган самолётлар овозини пасайтиришга қодир.



ИНЧОН ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ, СЕУЛ, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ.

Инчон

халқаро аэропорти 2001 йилда очилган бўлишига қарамай, ҳар йили “Дунёнинг энг яхши аэропортлари” рўйхатидан ўрин эгаллаб келмоқда. Бино инфраструктураси қатор қулайликларга эга — голф майдончаси, казино, массаж хоналари, ётоқхоналар ва қишқи боғлар. Меъморлар сайёҳларни ҳайратга солиш мақсадида денгизни эслатувчи оч кўк рангдан фойдаланишган. Ҳар бир залда маҳаллий маданият намуналари билан ҳам яқиндан танишиш мумкин. Мазкур аэропортнинг қурилганга 15 йилдан ошган бўлса-да, ҳамоно энг футурустик ва замонавий аэропорт сифатида машҳур.



Г.ТУРСУНҲАТОВА тайёрлади.

ЖУРНАЛИСТ КУЗАТУВИ

"ЛИРИК" КАЙФИЯТДАГИ "ТАКСИСТ"

Уша кунни ўтирган таксим мени бу балога рўпара қилди. Хайдовчи манзилга етмасдан бир жойда тўхтади.

— Ҳозир, икки дақиқа, — деди у.
Ўттиз ёшлар атрофидаги эркакшода жувон машинага ақиллашди. Хайдовчи ойнани туширди.

— Нечта керак, оқа? — деди аёл.
— Канча ўзи, — сўради хайдовчи.
— Почкаси 25 минг!
— 2 та!

У 10 тадан таблетка солинган икки пачка узатди.

Машина кўзгалди. Хайдовчи кутилардан бирини очиб, 4-5 донасини озғига ташлади.

— Бу қанақа дори ака? Биттадан ичилмайди-ми, кўпи зарар-ку, — дедим унга.

— "Трамадол" — деди у, — қорадорига ўхшаган нарса, маза қилдиради лекин. Э, укам, тўрт шиша ароқ ҳам бу лаззатни беролмайди.

Қотиб қолдим. Бундай хайдовчи билан манзилимга эсон-омон етоламани, деб ўйладиму, хайдовчидан дарҳол машинани тўхтатишини сўрадим...

ПСИХОТРОП ТАБЛЕТКАЛАР БОЗОРИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Шухрат» номи билан машҳур чорраха. Хар гал автобус ёки таксида ўтиб кетарканман, йўлнинг четиди уймалашиб турган тўрт-беш аёл-эркакка кўзим тушади. Илгарилари бу чорраха ўзининг "Тунги капалаклар"ини оғушига олгани билан донг таратган. Бу ҳолга барҳам берилиши ҳамона (агар барҳам берилган бўлса) мазкур чорраха психотроп таблеткалар бозорига айланмаптими, деган фикрда атайлаб, бир неча кун чорраха яқинида туриб, "сотувчи"ларни кузатдим. Соч-соқоли ўсган, кўриниши шубҳали ёш йигитлар, кизлар... Бу масканда бировчи машиналарнинг кети узилмайди. Харидорларнинг ақсарияти ўрта ёшли эркаклар. Орасида онда-сонда аёллар ҳам учрашди янада ажабланарли. "Лирика", "Трамадол" ёки "Соннат" номи билан таблеткаларнинг бозори шунчалик чаққон эканки, харидорларнинг қисми "Ипподром"даги моллар ҳам бир четда қолади. Кизик, "Лирика" — гоят нафис ном эмасми? Нахотки, шу қадар беозор, латиф сўзларни ҳам қабоҳатга қопқок қилишган бўлса... Нахотки, шундай кўз ўнгимизда «оғуфурушлик» гуркираётган бўлса, деган ўй билан мавзуга чуқурроқ киришга ҳаракат қилдик.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ...

Ўзбекистон Республикасида 1999 йилда «Гиехвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида», 2000 йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Гиехвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, олиб кириш ва транзит тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинган. Шунингдек, турли йилларда гиехванд моддалар ва психотроп препаратларга доир қарорлар, қонунларнинг қабул қилингани ҳам бежиз эмас. Унга қўра, қонун ҳужжатларида мамлакатимизда гиехвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятларга чек қўйиш, уларни давлат чегараларидан олиб кириш ва олиб чиқиш, ишлаб

НАФИС НОМЛАР ОРТИДАГИ ЖАҲАННАМ



чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, таркибиди гиехвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш фақатгина юридик шахслар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши кўзда тутилган. Аммо...

ЁЛҒОНИ ЙЎҚ ГАПЛАР...

Мазкур таблеткаларнинг инсон саломатлигига таъсири хусусида Тошкент шаҳар Наркология диспансери врач-наркологи Фахриддин Низоми бундай дейди:

— Психотроп таблеткалар аслида оғриқ қолдирувчи препарат ҳисобланади. "Трамадол" таблеткаси оғир жароҳат амалиётлари, турли ўсма касалликларида оғриқ қолдириш учун, "Лирика" капсуласи тутканок хуружларини тўхтатиш, "Соннат" таблеткаси тинчлантириш ҳамда ухлатиш учун шифокор тавсияси ва назорати остида қўлланилади. Бу каби препаратлар шифокор кўрсатмасисиз сотилмайди, — дейди Фахриддин Низоми. — Афсуски, ҳозирги кунда бундай дорида асосан 16 ва 35 ёш орасидагилар оғу сифатида ружу қўйган. Бир гуруҳ ёшларда доридаги карамлик бошланган. Унинг бир қанча белгилари мавжуд. Яъни дорида кунлик эҳтиёж сезиб, истеъмол қилинаётган модда дозаси кун сайин ортиб, бошланғичда битта таблетка бўлса, кейинчалик ўн-ўн бешта, маълум муддатдан сўнг элликкача истеъмол қилишга етиб боради. Натيجида одам организм ва руҳиятида кучли ўзгаришлар юз беради. Қолаверса, бундай психотроп моддалар метаболит ортиқ истеъмол қилинса, бепуштлиққа олиб келади. Наслини қирқади, ҳомиладнинг ногирон туғилишига сабаб бўлади. Карамликнинг ҳам икки тури мавжуд: жисмоний ва руҳий. Жисмоний карамликда таблетка қабул қилмаган пайтда бўғимларда оғриқ туради, ишга йўқолиши, кўнгил айниши, сурункали ич кетиш, юрак оғриши кузатилади. Руҳий карамликда эса таблетка истеъмол қилмаган пайтда уйқусизлик, қўзғалтувчанлик, жаддорлик, агрессивлик, қўли ишга бормаслик ҳолатлари авж олади.

Шифокор билан суҳбат асосида яна маълум бўлдики, бундай дорида сурункали касалликларга олиб келиш баробарида, натижа ўлим билан тугаш хавфи бор. Препарат истеъмоли инсонни тутканок, талваса хуружлари, галлоцинияга олиб келади. Захарванд эйфория ҳолатига тушиб қолиб, ўзи билмасдан турли жиноий ишларга қўл уриши шубҳасиздир.

Шунингдек, психотроп воситаларнинг ҳам турлари бўлиб, биринчи тури — қонун бўйича таъқиқланган, яъни тиббиётда ҳам, оддий аҳоли ўртасида ҳам ишлатиш мумкин эмас. Иккинчиси, карамлик чакирувчи бўлган боис, қонун бўйича одамларнинг мустақил равишда ишлатиши таъқиқланган, бироқ тиббиётда шифокор назорати остида қўллашга рухсат этилган воситалар.

Таъкидлаш лозимки, шифокор психотроп моддани тавсия қилганда беморнинг касаллик тарихи ёки амбулатория картасида уни нима сабабдан тавсия қилганини кўрсатиб бериши шарт бўлади.

— Бизнинг Наркология диспансерида бундай дори воситалари ҳатто даволаш учун ҳам ишлатилмайди. Нарколог-врачларнинг бундай препаратларни ишлатишга ҳақлари йўқ. Психотроп доридаги аксар ҳолларда психиатрлар, психоневролог ёки онколог, травматолог-хирурглар оғриқ қолдириш учун тавсия қилишлари мумкин.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Бир ҳолат кишини таажжубга солади. Таркибиди психотроп моддалар бор, фақат врачларнинг рухсати билан фойдаланиш мумкин бўлган бу каби таблеткалар савдоси йўлга қўйилганидан нахотки тегишли мутасаддиларнинг хабари бўлмасан? Негаки, чорраҳанинг бор икки томонида авж олаётган "бозор" ёнидан минглаб одамлар ўтиб қайтади. Шу жумладан, тегишли орган ходимлари ҳам. Айниқса, бу ҳолатдан ўша ҳудуднинг участка ноэри бехабар бўлиши асло мумкин эмас. Йўқса, ўз ҳудудиди инсон саломатлигига жиддий зарар етказадиган, оддий аҳолининг фойдаланиши қонун билан таъқиқланган психотроп таблеткалар савдосига йўл очиб берган шахс энг камида уларга «шерик» бўлади...

Кишини ажаблантирадиган яна бир ҳолат, бундай дори воситалари юртимизга четдан кириб келмаптими? Лекин қайси йўллар билан, деган савол кишини қийнайди. Эҳтимол, дориҳоналарда рецепт асосида берилиши лозим бўлган таблеткалар қайсидир йўллар билан қора бозорга келиб қолган. Хар ҳолда бу ишда дориҳоналарнинг ҳам «хисса»си бордай туюлади кишига...

МАНА СИЗГА КЎЗГУ...

— Ёшим 24 да, — дейди наркология диспансерида даволанаётган киз. — Бошида дугоналарим билан бекитиб сигарета чекардик. Бир кунни уйдагилардан танбех эшитдим. Бундан асабийлашиб, дугонамини олди бордим. У бошим оғриётганини билиб, икки дона таблетка берди. Нималигини сўрасам, "бир зумда бош оғрингиз қолади" деди. Бироздан сўнг чиндан ҳам бош оғрингиз қолди. Ўзимни қандай хис қилганимни таърифлаб беролмаман. Ўша кундан кейин яна бир-икки марта дори берди. Сўнг "энди сотиб ол, унча қиммат эмас" деди. Қардан олишни кўрсатди. Шундан сўнг шу балойи азимга ўрганиб қолдим. 2 донадан бошлангани, ҳозирга келиб кунга 35-40 донага етди... Мен ҳам бир оила бекаси бўлишни, фарзандларим бўлишни истайман. Худо хоҳласа соғайиб чиқсам, асло бундай ишларга қўл урмайман.

Қизнинг гапларини эшитиб, ўзимизча бир ҳўрсиниб қўямиз. Сўнгги пушаймон... Лекин шу онда ҳаёлимиздан яна бир нарса ўтмоқда. "Трамадол" оғриқ қолдирувчи, "Лирика" тутканок хуружларида, "Соннат" тинчлантириш ва ухлатишда қўлланилса, йўлда машинани тўхтатиб, «дори» олган хайдовчи ёки кунига элликдан ортиқ кишининг ҳаммаси оғир жароҳатлики бошдан ўтказганими ёки уларнинг барчасида тутканок касаллиги бормикин? Шубҳасиз, бу масала жиддий ўйлаб кўришни талаб этади.

СЎНГСЎЗДАН ОЛДИН...

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида мутахассисларнинг фикрини ўрганиш билан бир қаторда, "Лирика", "Трамадол", "Соннат" каби "дори"ларнинг бемор учун қанчалик фойдалилиги, метаболит ортиқча истеъмол қилиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган жиҳатларни ҳам аниқлаштиришга ҳаракат қилдик. Имкон қадар бу ҳақда тушунча ҳам берилди. Эҳтимол, муҳбир ошириб юборибди, деидиганлар ҳам топилиб қолар. Нима бўлганда ҳам бу каби "дори"ларни қўлда сотиш, қора бозорнинг авжланиши кишини ташвишлантиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун ёнгинамизда «гуркираётган» психотроп моддалар савдоси бизнинг оғоҳликини йўқотганимиздан далолат беради. Балойи нафис илмий фаворон ҳаётимиз, келажакимиз ва миллатимизнинг генетикда уюштирилган ҳар қандай таҳдидлардан вақтида хабар топсак, юқоридаги кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

Шавкат ОДИЛЖОН

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Ўзаро суҳбатларда "тушиб қолдим" ёки "фирибгарга алдандим" деган гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Табиийки, бундай ҳолатларда жабрланувчига ачинаиб, фирибгар шаънига очик гаплар айта-миз. Аслида бундай вазиятга тушиб қолишга кўп ҳолларда фуқароларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлишмоқда.



Фарибгарнинг тузоғи

Б.Орипов (исми-шарифи ўзгартрилган) айни куч-қувватга тўлиб, ок-корани таниб улгурган, олий маълумотли 40 ёшни қоралаган киши. Бир инсон орзу қилгудек оиласи, 4 нафар фарзанди бор, бироқ ҳеч қаерда ишламайди, мукалдам сулланган.

У билан ҳамсуҳбат бўлган киши Бекзод ҳақида нотўғри ўй-хаёлларга бормасликка ҳаракат қилади. Чунки у одамлар кўнглига йўл топши, ўзига ишонтиришни яхши билади. Шундай бўлмаганида, А.Туропов (исми-шарифи ўзгартрилган) у билан яқиндан таниш бўлмасан, унга ипониб 2015 йилда ишлаб чиқарилган "Spark" русумли автомобилнинг пулини бўлиб бераман, деган ёлгон гапларига лакка тушиб ўтирармиди?

Дарҳақиқат, А.Туропов ўзига тегишли бўлган автомобилга нисбатан сотиш мақсадида Сирғали туманида жойлашган машина бозорига борганида харидор сифатида Бекзод билан танишиб қолади.

— Нафақадаги ИИБ ходими, ҳозир пенсиядаман, — дейди ўзини таништириб Бекзод. Унинг хатти-ҳаракати, ўзини туттишлари, гап-сўзлари Акмалда ҳеч бIRON-Бир шубҳа, икки-лаш илмийотми. Бекзоднинг сермулозаматлигидан шовиб

қолган Акмал унга автомашинасини 6.500 АҚШ долларига сотишга, пулни хар ойда бўлиб бериб бораман, деган таклифига қандай розилик берганини ўзи ҳам билмай қолди.

Бекзод эса ишнинг хар гал-гидек "хамирдан қил суғургудек" битиргач, аввалгилардек, "пулни бўлиб бераман" деган вадасини шу оннинг ўзидаёқ унутди. Бир оз вақт ўтган эса, худди бошқаларга қилган муомаласини "эрта келинг, индинг келинг" қилиб юраверди. Акмал эса шундагина фирибгар тўзонага тушганлигини англаб қолди.

Яна бир соддадил, киши Бекзоднинг наватбадаги ёлгонларига чув тушди. П.Одилов ҳам (исми-шарифи ўзгартрилган) автомашина сотиб олиш илмийотида бозор сари йўл олган.

Парпийбой бозорда харидорлардан бири бўлиб турганида Бекзод фириб йўли билан қўлга киритган "Спарк" автомашинасини 4.200 АҚШ долларига сотишини айтди. Харидор чўнтаги кўтарилган нарх эканлигидан мамнун бўлиб, дароврозилик билдириб қўяқолди.

Харидор пулини Бекзодга санаб бераркан, тезда номинга расмийлаштиришни таклиф қилди. Лекин Бекзоднинг "айрим бахонаю сабаблари"га қўра, бу иш бироз вақтга қўзилди.

Орадан бир муддат ўтса-да, Бекзод автомашинани янги эгаси номига расмийлаштиришни ҳаёлига ҳам келтирмади. Парпийбой эса пулини ёки машинасини ололмади қўноб чиқарди. Бу ёқда Бекзод ундан олган 4.200 АҚШ долларини аллақачонлар ўз эҳтиёжи учун ишлатиб бўлган эди.

Қизиги, машина бозорига Б.Ориповнинг тузоғига тушган яна бир нечта киши ҳам бор экан. Улар ҳам машина олиш ёки сотишга бориб, натижада ўз мулкни ўзганинг қўлига топшириб, чув тушиб қолганидан, алданганидан пушаймон бўлиб юришарди.

Бироқ қонунни алдаб, унга фириб бериб бўлмайди. Аксинча, фириб сари босилган хар бир қалтис қадам қонун қўлига тушишига етаклайди. Жиноят ишлари бўйича Олмасор туман суди ҳукми билан Б.Орипов содир этган жиноятига яраша тегишли жазосини олди.

Савол туғилади. Б.Орипов ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, бундан ҳаловат кўрдими? Аксинча, бировларга етказган зарари боис, озолиқдек улғу неъматини йўқотди.

Акмал АҲМАДОВ,
Юристлар малакасини
ошириш маркази тингловчиси

Миллий тараққиётимиз

ТҮЙЛАР ҲАҚИДА ҲАҚИДА

Ўзбекистоннинг туб бурилиш палласида миллий тараққиётимизга катта тўсиқ ва ғов бўлиб келаётган, ҳатто кўринмас иллатга айланган тўй-маъракаларни ихчам, замонавий ўтказиш, тўйдан олдин ва кейин бўладиган майда-чуйда тадбирларга барҳам бериш — бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Хар бир инсон, оила, жамоа ҳаётида ўз қўла-ми билан боғлиқ тарзда "инсон моддий ва маънавий эҳтиёж-качонлар ўз эҳтиёжи учун ишлатиб бўлган эди. Б.Орипов, машина бозорига Б.Ориповнинг тузоғига тушган яна бир нечта киши ҳам бор экан. Улар ҳам машина олиш ёки сотишга бориб, натижада ўз мулкни ўзганинг қўлига топшириб, чув тушиб қолганидан, алданганидан пушаймон бўлиб юришарди. Бироқ қонунни алдаб, унга фириб бериб бўлмайди. Аксинча, фириб сари босилган хар бир қалтис қадам қонун қўлига тушишига етаклайди. Жиноят ишлари бўйича Олмасор туман суди ҳукми билан Б.Орипов содир этган жиноятига яраша тегишли жазосини олди. Савол туғилади. Б.Орипов ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, бундан ҳаловат кўрдими? Аксинча, бировларга етказган зарари боис, озолиқдек улғу неъматини йўқотди.

Акмал АҲМАДОВ,
Юристлар малакасини
ошириш маркази тингловчиси

Шиларнинг имкониятларини бир томонлама йўналтиришга, оқибатда айрим кишиларнинг бойишига эмас, камбағаллаштиришга сабаб бўлади...

— Ўзбекининг нимаси кўп — тўйи кўп" деган гап бор. Тўй-маросимларимиз — миллий урф-одатларимиздан бири. Ҳаммамиз ҳамдангиллама тўйларда иштирок этганмиз. Барчанинг тоғини тўйга буюрсин, деймиз бир-биримизга яхши ният билан. Бироқ тўй маросимларимиздаги ортиқча сарф-харажатлар, чиранишлар кишини ранжитади. Тўйларимиздаги исрофгарчилик, ҳаддан ошишлар, керакисиз сарф-харажатлар, мамманилик ҳақида кўп гапиряпмиз. Аммо муаммонинг маъно-моҳиятига ҳашиш ҳам эътибор беравермаймиз. Тўй баҳона обрў орттириш илмийотида мактан-қоқлик, мамманилик кўчасига кириб қолаётганлар ҳамон бор.

Бир ёзувчи дўстим хизмат сафари билан Грузияга борган эди. Ёзувчи халқи аслида табиятан хар нарсасига кизиқувчан бўлади. Ҳамкасбларидан, тўйлар қандай ўтади, грузинларда ҳам ке-

линларга сеп қилишадими, деб сўради. Грузинлар киз чиқарганда, таомилга қўра, сепига Шота Руставелининг "Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон" китобини қўшиб беришар экан. Бу китоб ёш келин-куёвга аждодларнинг буюк ўтмишини, миллатнинг тарихий хотирасини мангу эслашга туради. Бу анбана авлодлар оша тобора мустаҳкамланиб, одамлар онгу шууридан абадий жой олган. Бу мисол рамзий маънога эга бўлиб, миллий ғоя, миллат маънавий киёфасининг ёркин ифодасидир.

Бизнингча, юксак маънавият соҳиби бўлмиш ўзбек миллати қизининг сепига "Ҳамса" ёки "Бобурнома"дан бир нусха қўшса, айни муддао бўлмасмиди?

Биз — минг йиллар илгари яшаб ижод қилган, ўзининг илм-тафаккур салоҳияти билан инсоният тамаддунига оламшумул хисса қўшган буюк аждодларнинг фарзандларимиз. Демак, маънавиятимиз ҳам уларга муносиб бўлмоғи лозим. Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Имом ал-Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб ва бошқа яна кўплаб алломаларимиз яратиб қолдирган улкан маънавий ҳазина — бебаҳо асарлар билан фахрланамиз. Қани энди, бўлажак келиннинг жапонидан бошқа совға-саломлар каторида маънавиятимиз қўзғуси бўлган ана шундай ноёб

асарлар ҳам жой олса, шу хонадон келин-куёвлари, фарзандлари уларни эъзозласа, ўқиса...

Тўй оилавий байрам бўлса-да, бир хонадон қувончи бағча қариндош-уруғ, махалла-қўй, дўсту биродарлар билан баҳам қўрилади! Албатта, бу инсонларда ҳамжиҳатлик, ахиллик, меҳр-оқибат, муҳаббат-муруват, хайр-саховат, ниймон-этиқод, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, дўстлик каби фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади. Лекин тўйлар халқимизнинг маънавий юксалишида қанчалик ижобий роль ўйнамасин, уни ўтказиш, учун базилар катта миқдорда қара олиш, оила бюджетидидаги мабларни бусбутун сарф қилиш хисобига гўё "етти иккин" учун машҳур тўй ўтказишга интилишлари ҳозирги шароитда "сохта бойвачалик"дан ўзга нарса эмас.

Одатларга қўра, қадимдан кизларни бисот билан турмушга бериш ота-онанинг бурчи ва мажбурияти бўлиб келинган. Бу никоҳ-ятда яхши одат, расм-русуmdir. Чунки ёш оила моддий томонидан ўзини тутиб олганига қадар ота-она томонидан қилинган бисот келин-куёвга асқотди. Демак, ота-она қилган бисот улардан ёдроллик сифатида ҳам қадридлир! Бироқ келин бисоти метаб даражасида бўлмоғини назардан четда қолдирмайлик.

Қадимда тўй базмларида ўйин-қўлги, қуй-ашула, шешроҳлик, кураш, қўшқа-

РАНГЛАР ЖИЛВАСИ

МҲЙҚАЛАМ СЕҲРИ

Рухият, қалб ва дунё мусаввир мўйқаламида бошқача жилваланади. Худди ёмғир шивирларидек дилга яқин, ишқ азобидек қадим ва навқирон, тирик лаҳзалардек рангин. Ана шундай ҳароратли туйғуларни ўз асарларига олиб кирган рассом Холмат Файзиев ўзининг ички нигоҳига эга. Ҳар бир асарининг ўз "тақдири" бор.

Мусаввирнинг "Ота ховли" асарида дастурхон атрофида бир оила жам қилиб тасвирланган. Қадрдон табиат манзаралари, бизни тўлқинлантирувчи таниш қиёфалар ва болаликнинг ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган соғинчи. Бунга рассомнинг бутун рухий олами сингди кетган. "Эски тандир" картинасида ҳам ижодкор иссиқ ранглардан фойдаланади. Рангларнинг туси фаслларга қараб ўзгаради, ўзгарган сари рухият ҳам теранлашиб бораверади. Бу оддий тасвир эмас, у тандирдан қулча узиб берган онамизни эслатади, дунё ташвишлари билан андармон одамни ҳам қутилмаганда ўйлантиради, гўзал хотираларини уйғотади, кўнглига таскин беради.

Бир қараганда, табиат манзараларини фотоаппарат ёрдамида ҳам қалбга муҳрлаш мумкин. Шунга шунча қалб қўри ва кўз нуруни тўкишни нима кераги бор, дегувчилар ҳам топилавер. Аммо ижоднинг қувонч ва изтироблари — бутунлай ўзгача олам. Ҳар бир ранг рассом нигоҳида бошқа дунё юзини кўради. Масалан, ўзанига сиймай оқаётган "Тошқин дарё" асари ҳаётнинг сўмас нафасини эслатади. Хатто қирғоқдаги тошларнинг ҳам ранги ёрқин, дов-дархатлар мангу яшилликка буркангандек, осмонга туташиб кетган тоғларнинг боши кўм-қўқ. Табиат билан ҳаёт шу қадар бир-бирига уйғунлашиб

кетганки, беихтиёр ўзини инсон табиатининг бир бўлаги этиб ҳис қила бошлайди. Қалбда ҳиссиётлар жўш уради. Гўзалликка тўймай боқади. "Ховли-



даги гуллар"да ҳам худди шу манзарача дуч келасиз. Ундан олган таассуротларингиз тувақулларидан бутунлай фарқ қилади. Қизғин, сарғиш рангларга қоришиб кетган шафқат изларини кўрасиз. Ховлида қолган қадрдон ифторларнинг рангларини ич-ичингиздан ҳис этасиз.

Ҳар бир ижодкорнинг ўз йўли бор. Холмат Файзиев ҳам ҳамма тасвирлаган манзараларни эмас, қалби буюрган нарсани қандай бўлса, шундайлигича матога туширади. Ортиқча бўёқлар билан беэмайд. Бу кимгадир оддий, содда туюлиши мумкин, лекин ана шу оддийлик замирида шундай мураккаблик борки, буни илғаш учун тасвирий санъатда меҳр бўлиши керак. Унинг "Қунабоқар" асари ҳам мазмунан фалса-

фага бой. "Қалдирғоч уяси"да болалари учун ҳамма нарсага тайёр жафокаш она тимсоли тасвирланган. "Орол балиқлари" ҳам катта қалб изтироби билан чизилган. У ўлиқ балиқ эмас, товада ҳаракатланади. Бошқа томондан эса буни қўйиб юбориш ҳам, пишириб ейиш ҳам инсоннинг қўлида эканини ҳис қила бошлайсан. Демак, инсон қудратли яратик. Унга кўп нарса бовлиқ. Рассом ҳар бир асарида айнан, ана шу рояни илғари суради. Инсон табиатда қандай муносабатда бўлса,



бўлакча. Мактабда ўқиб юрган кезларимда дарсларда расм чизиб ўтирдим. Ижодий тўғаракларга бордим. Шу йўналишда бутун умр болаларга сабоқ бердим. Ҳаётимдан жуда мамнунман, — дейди биз билан суҳбатда рассом. — Кўргазмамга бошқа маҳалалардан ҳам келишди. Таниқли рассомлар асарларига ижобий баҳо беришди. Бундан хурсандман. Рассом — бу кўнгли одами. Қалби буюрган нарсани матога тушириши керак. Асарлари кўп эмас. Ҳар бирини яратиб учун йиллаб тайёргарлик кўрганман. Шахсий кўргазмамни қилишга ҳеч қачон шайшмаганман. Ҳар қандай меҳнат агар у сидқидилдан қилинган бўлса, юзага чиқаркан.

Ҳа, ўз ишнинг усталарини қаламга олганда, кўнглинг ёришади. Бунинг устига у рангларни сўзлатган рассом, гўзаллик шайдоси, бутун хайрат-ҳаяжонини ўз асарларида берган бўлса! Дала ўнгирларида ҳаётнинг югуради. Олисан ёшанларнинг хиди анқийди. Нақадар муаттар, нафис ва жозибдор... Ҳаммаси бор-йўғи биргина расмда ўз ифодасини топади. Оддий манзаралардан буюк ҳикмат топа олган Холмат Файзиевга ижодий баркамоллик тилаб, янги асарларни қўтиб қоламиз.

Адиба УМИРОВА

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАР

Носир Фозилов! Бу ном китобсевар халқимизга яхши таниш.

Унинг болалик йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. У тенгқурлари қатори ёшлигиданок оғир ва машаққатли ҳаётни бошидан кечирди. Эраклар урушга кетган. Қишлоқда кексалар, аёллар, болалар... Дала юмушлари, асосан, хотин-қизлар ва болалар зиммасида. Носир Фозилов ҳам ҳамқишлоқ болалар каби тонг отмасданок далага чопади, то қоронғу тушгунга қадар кучи етганча меҳнат қилади.

Ўша дамларни Носир Фозилов шундай хотирлаган эди:



НОСИР ВА НОШИР СЎЗИ

— 1930 — 1933 йиллардаги очарчиликда кечди болалигим. У пайтларда одамлар ўқиш-ёзишга ҳавас қўйишдан ҳам кўпроқ қорин қайғуси билан каттиқ боғланган эди. Қишлоғимизда фақат битта — Қаххор деган одамда патефон бўлиб, салгина бўлса-да, диллардан рақсларни ювиб, ҳаётингизни узоқларга олиб кета оларди. Бирок китобхонлик кучли эди. Одамлар ўқиш-ёзишни деярли билмасалар-да, менга ўхшаган 7-8 ёшдан мактабга бориб, шариллатиб ўқишни қойиллатадиган болаларга кечалари "Тўрўғли", "Ҳасанхон", "Равшанхон", "Авазхон" каби халқ достонларини тақроқ ва тақроқ ўқитишарди. Достонларни сел бўлиб тинглашдан чарчашмасди. Кейинчалик тушунсам, шу достонларда ушлаган армонларини кўришар, улар билан бирга туғилиб, бирга яшаб, ҳам-ҳасратларини унуттишар экан. Адабиётнинг кучини қаранг-а!

Қуналарнинг бирида Носир Фозиловнинг қўлига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг бир китоби тушади. Саводи яхши бўлганлиги боис ҳар кечқурун қишлоқдошларига ўша китобни ўқиб беради. Шу аснода китобларга, адабиётга меҳр қўйди. Ҳаёт машаққатлари ҳам ортда қола бошлади. 1949 йилда Тошкентга келиб ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида тахсил олган Носир Фозиловнинг тақдири пойтахт билан боғланди. Ўқиб-ўрганиш, изланишдан сира эринмади. Юрак буюрган сатрларни қорозга тушириш, бир сўз билан айтганда, сўз санъати бўлиши адабиётга садоқатли бўлишга аҳд қилди. Ва, буни амалда ишботлади.

Носир Фозилов шундай ёзган эди: Ижод деб аталмиш йўлнинг боши, том маънода тунлиш, болалик дунёси, бу дунёнинг улғайиб, катта йўллар яратиши билан ҳам барчас бовлиқдир. Бу ўринда ёлга, албатта ота-она, оилавий муҳит, тарбия келади, зеро, улар биз учун ҳаёт мактаби. Оддий дехқон оиласида туғилдим, отам Фозил, онам Жаҳонбиби — исми жисмига монанд хулқ-атворли, меҳнатсевар инсонлар эди. Эсимни танибманки, улар катта оиланинг ташвишлари, орзу-умидлари билан яшаши бахт деб билишди. Уларнинг захматқашлик, тиришчилик, бир ишга иштиёк билан қирғишчи меҳна ҳам, ижодимга ҳам ўтган бўлса, азизларим — ота-онам олдига юзимнинг ёруғ бўлгани бу.

Носир Фозиловнинг илк хикояси 1953 йилда ҳозирги "Тонг юлдузи" газетасида бошилган эди. Адабнинг биринчи китоби 1959 йилда "Ирмоқ" номи билан нашр қилинди. 1962 йилда "Оқим", орадан икки йил ўтган, "Робинзонлар" номли китоблари ўқувчиларга туҳфа этилди. Шундан сўнг "Қуш қаноти билан", "Қорхат", "Қўқам қиёслари", "Дийдор", "Болалигим — пошполигим",

"Шум боланинг набиралари", "Устозлар даврасида", "Кўнглим ёришур", "Мунаввар лаҳзалар", "Ношир ва носир сўзи" каби мазмунан бой ва қизиқарли китоблари нашр қилинди.

Кўпинча адиблар, шоир ва таржимонлар Носир Фозиловни устоз дея эъзозлашади. Бунинг боиси бор, албатта. Адиб "Гулхан", "Шарқ юлдузи" журналларида ва нашриётларда фаолият юритган кезларда, яъни ўтган асрнинг иккинчи ярмида эндигина адабиёт майдонига қадам қўйган ёш ижодкорларнинг бошини силади. Ҳақиқий истеъдодлардан ўзининг қимматли маслаҳатларини аямасди. Уларнинг энг яхши асарларининг чоп этилишига қўмақлашарди. У кишидан меҳр кўрган ижодкорлар, адабиётимизга садоқатли бўлиб, сидқидилдан қалам тебратиб, адабиётимиз ривожига ҳисса қўшиб келишпти.

"Шукроналар бўлсинки, шоирларимнинг ўзлари эндиликда устоз адиб ва шоир сифатида ёш қаламкашларни тўғри йўлга бошлаб, уларга адабиёт сирларини ўргатишпти", деган эди Носир Фозилов.

"Топдим, йўқотмадим". Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом, Миртемир, Мақсуд Шайхзода каби адабиётимиз фидойилари бўлган устоз адиб ва шоирлар ҳақида гап кетганда Носир Фозилов шу иборани қўллайди. Устозлар билан бўлган унутилмас лаҳзалар битилган китобни ҳам "Топдим, йўқотмадим" деб номлади.

"Ўзбек ва қозоқ адабиётининг маънавий кўприги". Носир Фозиловга шундай таъриф берилади. Бу бежиз эмас. Носир Фозилов Абай, Мухтор Азиев, Собит Муконов, Ғабит Мусрепов, Ғабиден Мустафин, Абдулла Тожибоев, Абдулжалил Нурпеи-сов каби кўплаб қозоқ адибларининг асарларини маҳорат билан ўзбекчага ўғитиб нашр эттирди. Қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа бир қанча тиллардаги сара асарлар ҳам Носир Фозилов таржимасида ўзбек китобхонларига туҳфа этилди. Носир Фозилов қаламига мансуб хикоя ва қиссалар рус, туркман, қозоқ тилларига ўғитилди.

Бетақроқ носир, бағри кенг ношир Носир Фозилов СЎЗни сидқидилдан қадрлади. СЎЗ эса захматқаш истеъдод соҳибини адабиёт аталмиш қулғу даргоҳда ўз ўрнини топишига, обрў-эътибор қозонишига, элга танилишига қамарбаста бўлди.

Давлат мукофотлари лауреати, Халқаро "Алаш" адабий мукофоти совриндори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Носир Фозилов мустақиллик йилларида фаол ижод қилди. Устоз носир ва ноширининг самимиятига йўғрилган СЎЗлари таъсирида қанчадан-қанча шоир ва адиблар ўз истеъдодларини намоён этдилар. Қанчадан-қанча бадиий етук асарлар дунё юзини кўрди. Бир сўз билан айтганда, Носир Фозилов адабиётимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшди.

Абдулла АЙИЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

ОМИЛИ

ри, аскиябозлик қилинган! Ичкилик у ёқда турсин, ширакайф ҳолда иштирок этиш айб, уят ҳисобланган. Бугун ўтказилаётган никоҳ тўйларини кузатганимизда, бу ҳолатнинг аксини кўрялмиш. Тўйда спиртли ичимликларнинг меъёридан ортиқ қўйиллиши исрофгарчилик, раққосаларнинг ноахлоқий хатти-ҳаракатлари, ярим тунгача халқ тинчлигини бузувчи мусика сурони, табрикловчиларнинг узоқдан-узоқ ваъзхонликлари тўйнинг фойдали ўтишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Баъзан келин-куёв ҳаёси, ибоси, ахлоқий хатти-ҳаракати билан тўй иштирокчиларида салбий таъсирот қолдирмоқда. Ўрни келганда қайд қилиш лозим, ҳаётда кўпини кўрган тўй иштирокчилари олдига ёш йигит-қизларнинг насихатомуз табрикларини қандай тушуномқ лозим? Никоҳ тантанасини бошқарувчи — ўртақаш, қолаверса, маҳалла оқсоқоллари бу жиҳатларга ҳам эътибор бериши лозим. Айрим ҳолларда тўйларда хонандаларнинг маънавийтимизга зид, тингловчиға ноаниқ бўлган мазмунли ашулаларни киши кайфиятини кўтариш, қалбларга маънавий озуқа бериш ўрнига, акс таъсир қилади.

Тўйни ўтказиш маданиятига алоҳида аҳамият бериш керак. Махсус жой тайёрлаш, тартибли ўтказиш чораларини белгилаш, саранжом-сарийшталikka риоя этиш, тақлиф этилган меҳмонларнинг ўз вақтида келиши, уларни иззат-икром билан қўтиб олиш ва куза-



тиш, тўй дастурхони ва таомномаси маданиятнинг юксаклиги тўй ўтказишнинг сифатини ташкил этади. Шунингдек, оилавий тадбирларда санъаткорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизмат кўрсатса ва шу тартибга қатъий риоя қилинса, уларнинг масъулияти янада ошади, миллий урф-одатларимиз ва маънавийтимизга тўғри келмайдиган қўйқилишлар, рақс ва бошқа чикишларнинг олди олинади.

Бир сўз билан айтганда, тўй маросимлари инсон ҳаётида бахтли, шоду хурамликка бой хотира бўлиб қолиши зарур. Тўйларни қариндош ва яқин қўшнilar доирасида, дабдабасиз, исрофгарчиликсиз ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, никоҳ тўйидан мақсад шаърий никоҳни халққа маълум қилиш бўлса, ақиқадан мақсад жонлик сўйиб, бир қисmini муҳтожларга тарқатишдир. Бу мақсадлар қарин-

дошлар, яъни озчилик доирасида ҳам ҳал бўлаверади. Суннат ва мучал тўйларини ўтказиш шариятимизда буюрилмаган. Лекин минг афсуски, бундай тўй маросимлари ҳамон ўтказилмоқда.

Тошкентда, айрим вилоятларда расм бўлган нахорги Хулоса шуки, тўй-ҳашамларни замон талаблари даражасида ўтказиш учун жамрат биравмалари, Республика Қасаба уюшмалари федерацияси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда мамлакатимиз ёшлар иттифоқи ҳузурида тўй-ҳашамларни давр талаблари асосида ўтказиш жамоатчилик комиссиясини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Ривожланган мамлакатларда кўпдан буён давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими томонидан қатъий белгиланган тартибда тўй-маросимлари ўтказилади. Уларда тўйга тақлиф этилган меҳмонлар, келин-куёв учун хизматдаги автомобиллар ва дастурхондаги таомлар сонигача тартибга солинган. Бунда ҳам мана шу ҳолатлар эътиборга олиниши мақсадга мувофиқдир. Оқилона тарзда тўй ўтказиб, тежалган маблағларни оила саломатлиги ва фаровонлиги, болалар таълим-тарбиясига сарфланса, нур устига нур бўларди. Демак, бу борада бутун жамоатчилик, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари лозим бўлади.

Қарим НОРМАТОВ

ИНСОН ВА ТАБИАТ

Хаётда ҳеч ким рад этолмайдиган ҳақиқат борки, унга барча баравар жон куйдиришга масъул. Бу табиат муҳофазаси масаласидир.

1993 йил бошида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат атроф-муҳит мувозанатини сақлашда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди. Унда инсон ва табиат орасидаги мувозанатга путур етказмаслик қонун-қоидалари қафолатланган эди...

Орадан кўп ўтмай, 1993 йил октябрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг "Экология ва саломатлик тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Қарорда қайд этилганидек, Ер шарининг барча минтакалари каторида Марказий Осиё ҳам экологик ҳалокатлардан холи эмас. Бу ҳол биргина Орол денгизи фожиясида яққол намоён бўлди. Умуман олганда, орол фожиясини бутун олам фожияси, дейиш мумкин. Зеро, табиатдаги ҳаёт бир чегарани тан олмайди. Масалан, қушлар ҳаётини кузатадиган бўлсак, Ер шарини улар учун бўлимас макон эканлигини кўрамиз. Улар бутун ер юзини кешиб юришади, истаган жойларидан макон танлайдилар. Ёзилмаган бу қонун-қоидалар бошқа жониворларга, ҳатто ўсимлик оламига ҳам хос. Оллоҳнинг бу неъматлари олам бағрини тўлдириб, борлиқни яйратиб-яшлатиб, кўзларимизга нур, қалбларимизга қувонч бахш этиб туради. Улар инкирозга юз тутган сайин олам бағри хувиллаб, ғариблашиб бораверади.

Биз тенгилар эсимизни таниганимиздан буён ташвишли бир ҳолатнинг гувоҳимиз. Болалигимизда табиат қўйнида узокрокка ёлғиз боришга ҳайқардик. Қалин чакалакзор бора-бора салобатли ўрмонга айланар, ҳар қадамда турли-туман ёввойи жонотларга дуч келардик. Анхору ариқ тутул, кичик жилғаларда ҳам риж-риж балик яшар, тайёр бу ўлжани кўпинча овламасдик ҳам. Ўлжа олиб келсак, даққиқа қолардик. "Ўзинг то-

зала, увол бўляпти-ку, бечоралар!" — дея урушиб беришарди. Бу гаплар ҳозир чўпчакка ўхшайди. Чунки жилғая анхорлар у ёқда турсин, дарё ва қўлларда ҳам баликларнинг турлари кескин камайиб бормоқда. Тоғларда-ку, онда-сонда тоғчумчуқлар йўлиқмаса, бошқа тирик жонларни қўриш амримаҳол бўлиб қолган. Тоғли ҳудудларини ўзбошимчилик билан тақсимлаб олган хусусий чорва эгалари ҳамма ёқда ҳукмрон. Келадиган назоратчиларнинг қўнғилларини овлаб, қайтариб юбориш улар учун ҳеч гап эмас. Шу ўринда бунақа ташвишларнинг олдини олиш, табиатдаги ўпирилишларни тўхтатиш, қайта тиклаш учун қандай чора қўриш керак, деган савол туғилди. Айни дамда қишлоқ жойларда, айниқса, тоғли ҳудудларда ишсизлар сони кўпайиб бораётгани кундай равшан. Бизнингча, тоғли ҳудудларни, ҳатто ариқ ва сойларни ҳам жонсувар, узокни кўра билувчи одамларга маълум муддатта муҳофаза учун топириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу вазифани туман ҳокимлари, маҳаллалар, назоратчи ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириш мумкин. Дастлаб жараён қийин кечини табиий. Талаб қучайтирилса, тушунтириш ишлари олиб борилса, ҳаммаси изга тушади. Натижада кўплаб одамлар ишли бўлади, она табиат тикланади. Энг муҳими, қадимий гўзалликлар жонлангани каторида моддий манфаатдорлик ортиб, бебаҳо табиий махсулотлар кўпайди.

Айтиш керакки, атроф-муҳит қушандалари ҳозирги "бемалол-



чилик"дан фойдаланишиб, қўнғиллари тусанган номақкулчиликларга қўл урмоқдалар. Узун ташланган аркон, албатта, бир кун тортилади. Афсуски, бу борада она табиат озор чекаверади, йўл қўйилган йўқотишларнинг эса ўрнини қоплаш жараёни анча қийин кечади. Истеъмолимизда "сабру қаноат" деб аталмиш чиройли сўз бор. Сабру қаноатда яшаганлар бир кун кўзлаган муродларига етадилар. Бирок "сабру қаноат"ни табиат муҳофазасига қўллаб бўлмас экан. Бинобарин, бу борада қанча сабрли бўлсак, шунча кўп нарсаларни йўқотиб қўядиган қўриғимиз...

Мен Айдарқўлда бир неча марта таба бўлганман. Зеро, унинг қадимгиси билан ҳозиргисини таққослаб бўлмайди. Тоғларни тақсимлаганларидек, Айдарқўлни ҳам "тўрчи"лар ўзаро тақсимлаб олган, дейишади. Шунга ўхшаш яна бир мисол. Ўзбекистонда Миллий боғ макони берилган ҳудуд барпо этилганида қалбларимиз қувончга тўлган эди. "Энди жаҳондаги айниқса, Европадаги Миллий боғлар сингари ажойиб гўшалар вужудга

келса керак", каби ширин хаёлларга фарқ бўлганмиз. Ҳатто "Угом—Чотқол Миллий боғида яқин келажакда табиат рисолатига тикланади, жаҳон туризмнинг нуфузли бир бўстони барпо этилади, табиатнинг турли-туман жонотлари атрофимизда яйраб-кезиб юради!" дея матбуотларда чиқишлар қилганмиз. Миллий боғ фаолиятини номига муносиб даражага кўтариш учун бошданок ҳамма шарт-шароитлар яратилган, етарли маблағлар ажратилган эди. Ҳатто 2000 йил март ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Чимён—Чорвоқ" зонаси табиий бойликларини сақлаш ҳамда ҳудудини ўзлаш-

тиришга комплекс ва изчиллик билан ёндашишни таъминлаш чоралари қилинган эди. Буларнинг бари Миллий боғ фаолиятида ижобий бурилиш ясаш учун кенг йўл очмайдими? Тўғри, ушбу Миллий боғ фаолиятига боғлиқ бир хушхабар тарқалди: Бўстонлик туманидаги олис Пском қишлоғида Пском дарёси устига замонавий кўприк қуриб битказилди. Демакки, бу ҳудудда атроф-муҳит мувозанатини тиклаш ва сақлаш учун яна бир қадам қўйилди. Шояд иш шундай давом эттирилиб, Миллий боғ яқин йилларда ҳақиқий макомига эга бўлса!

Асад АСИЛ,
ёзувчи

Саломлашти
оғоби

Кишилар бир-бири билан учрашганда салом-алик қилиши мусулмончилик одобларидандир. Саломлаштиш кишиларда бир-бирига муҳаббат уйротади. Улуғларимиз панд-насиҳат этадиларки, бир киши салом берса, дарров алик олинг, саломнинг жавобини беринг! Салом тўлиқ "Ассалоуму алайкум" тарзида айтилиши, жавоб ҳам шунга муносиб бўлмоғи лозим.

"Ассалоуму алайкум" сўзи арабча бўлиб, "сизга тинчлик бўлсин" демакдир. "ваалайкум салом" эса "сизга ҳам тинчлик бўлсин" деган сўздир. Аҳли донишлар қўлларни кўкракка қўйиб салом беришни тавсия қиладилар.

Бир киши кўпчиликка рўбарў келганда алоҳида-алоҳида салом бермайди. Бир салом ҳаммасига қиёф қилади. Ёши кичик киши ёши каттага, юриб кетаётган киши ўтирган кишига салом бериши лозим. Бир киши танишини узоқдан кўриб қолса-ю, унинг ёнига бориш иложини тополмаса, турган жойида қўлини кўксига қўйиб салом ишорасини бериши мумкин.

Қўл бериб саломлашганда қўл учини бериб саломлаштиш одобдан эмас. Бу қўл узатган кишини камситиш, кўзга илмаслик бўлади.

Донолар бисотидан

СПОРТ




1-бет
"Хисор" марказий стадионида ўтказилган турнирда дунёнинг ўттизга яқин давлатидан энг кучли полвонлар — эркалар ўртасида тўртта, аёллар ўртасида эса иккита вазн тоифаларида ғолиблик учун бахш олиб борди.

Мутлақ вази тоифасидаги полвонлар ўртасида ўтган якуний беллашувда ҳамюртимиз Шерали Жўраев эронлик Жафар Пахлавонийни мағлуб этиб, олтин медаль билан бирга Ўзбекистон Президенти соврини — 10 минг АҚШ долларига эга бўлди. Жафар Пахлавоний иккинчи, ҳамюртимиз Илхом Жўраев ва мўғулистонлик Анар Дорч учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ва «Uzbek Tigers»нинг собиқ аъзолари Муроджон Ахмадалиев ва Шахрам Ғиёсовлар профессионал рингдаги навбатдаги жанглирини ўтказишди.



Бруклиндаги Kings Theatre аренасига дастлаб кўтарилган Рио — 2016 олимпиадаси бронза медали соҳиби Муроджон Ахмадалиев рақиби аргентиналик Карлос Кастон Суаресни мағлуб этди. Рио — 2016 олимпиадаси кумуш медали соҳибдори Шахрам Ғиёсов эса профессионал рингдаги иккинчи жангини венгриялик Габор Горбисга қарши ўтказди. Олти раундлик беллашувда ҳамкамлар Шахрам Ғиёсовни ғолиб деб топилди.

БАҲСЛАР ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпиада заҳираси спорт мактабидан ўтказилган бадний гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ўз якунига етди.

Мазкур мусобақада Арманистон, Беларус, Болгария, Венгрия, Россия, Исроил, Қозғоғистон, Қирғизистон, Словения, АҚШ, Чехия, Эстония, Украина ҳамда мамлакатимиз вакиллари саккиз йўналишда баҳслашди.

Жаҳон кубоги яқкалик баҳсларида ҳалқа, тўп, булава ва тасма билан машқлар бажарган гимнастикачилар ўртасида ҳамюртимиз Сабина Тошкентова муносиб иштирок этди. У булава билан машқ бажаришда похсупанинг иккинчи поғонасини эгаллади.



ЁШ ШАХМАТЧИЛАР ТУРНИРИ

Сўнгги йилларда юртимизда ёшлар ўртасида шахматни янада омаллаштириш, спортчиларимизнинг тажрибасини ошириш, ўзбек шахмат мактаби имкониятлари ва салоҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида қатор мусобақа ва турнирлар ташкил этиб келинмоқда.

Қуни кеча Тошкент шаҳрида бошланган шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аззамов хотирасига бағишланган "Tashkent open" анъанавий халқаро турнири ҳам ана шу мақсадни кўзлаган.

Бу йилги халқаро турнирда шахматчиларимиз билан бир қаторда Россия, Арманистон, Беларус, Украина, Бельгия, Эрон, Испания, Молдова, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон каби давлатлардан ташриф буюрган икки юзга яқин шахматчи ғолиблик учун донна сурмоқда.

Г.МАЛИКОВА тайёрлади.

Вактингни яхши ўтказишга ҳаракат қил, ҳавойи хаёлларга бериб, ўзингни изтиробга солма. Чунки эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди ва билолмайди. Ҳар бир куннинг ўз муаммоси, ташвиши борлигини унутма. Дунё кишиларни ширин хаёлларга чалғитиб алдайди. Оқил бўлсанг, чўпон кулбасида яшаганингда ҳам худди саройда тургандек кўнглингни хуш тут. Билингки, бу дунёдаги барча хазиналарнинг энг буюғидир.


Ҳар бир ишда мўътадилликка интил. Гапинг, таоминг, уйқунг ва муҳаббатда ҳам мўътадиллик қонданг бўлсин. Шундай қилсанг, моддий ва маънавий ҳаётда қиммат бўласан.

Эй Инсон!... ҳаётингда доимо иродали ва саховатли бўл. Бу икки хислат сенда бўлса, инсонийлик шарафига муяссар бўласан. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз "Тоғ каби метин иродали, денгиз каби сахий бўл" деганлар.

Инсон илми илоҳийдан, пайғамбарлар ахлоқдан насибадор бўлсагина, инсонийликни билади. Бундан бўлак ҳамма нарса кераксиздир.

"Ҳикматлар хазинаси" китобидан

ИККИ ЮРИШДА МОТ



Жавобини кутамиз. Боғланиш учун телефонлар: (+998 71) 244-32-68; 244-32-80.

ШОҲМОТ ЗАВҚИ

Ҳурматли мушаррийлар, ораларингизда, албатта, шохмот уйинига бефарқ бўлмаганлар ҳам кўп. Марҳамат, сизлар учун газетамизнинг бугунги сонида машҳур шохмот усталарини ҳам уйлашга мажбур этган машғулалардан бирини ҳавола этамиз. Демак, юриш одатидегидай оқлардан.

Икки юришда мот. Уни қандай амалга оширган бўлардингиз?

А.ИНОҚОВ

ЮРАККА ҚИЙИН

Америкалик гроссмейстер Ясер Сейрован мусобақалардан бирида шундай деган эди: "Шохмот нима-си биландир муҳаббатга ўхшаб кетади. Агар сиз унга енгилтақлик билан қарасангиз, муваффақиятга эриша олмайсиз. Бунинг аксича — жиддийроқ шуғуллансангиз, юрагингиз ёрилиши мумкин".

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшманинг Сурхондарё вилояти бўлими раиси Норкуват Тўраева падари бузуқвори **ТОЖИМУРОД** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.